БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН | № 98 (16.788). | 28 апрель 1977 йил, пайшанба | Баҳоси 2 тийин

ҒЎЗА ПАРВАРИШ ҚИЛИНМОҚДА

КПСС Марказий Комитетининг 1 Май Чақириқлари Чиноз районидаги Карл Маркс номли колхоз меҳнаткашларини янги муваффақиятларга илҳомлантириб юборди. Улар Улуғ Октябрнинг 60 йиллигини 820 гектар майдонда 3440 тонналик «оқ олтин» хирмони яратиб, ёруғ юз билан кутиб олиш мақсадида ғўза парваришини юксак агротехника талаблари асосида ташкил этмоқдалар.

Колхозда тобора кенгайиб бораётган 50—60 центнерчилик ҳаракатининг ташаббускорлари Суннат Тошхўжаев, Баҳром Умаров, Муяссар Абдуллаева ўртоқлар бошлик бригадаларда чигит ёппасига ундириб олинди. Яшил майсалар кўзга ташланиб қолган майдонларда эса ишлов бериш қизғин бораяпти. Илғор механизаторлардан В. Илёсов, А. Собиров, Х. Алимов, А. Аллаёровлар ҳар куни 8—10 гектарни культивация қилишмоқда.

Т. ЮСУПОВ.

ЮБИЛЕЙ ЙИЛИНИНГ ШИЖОАТИ

Тошкент шаҳри саноат корхоналарининг коллективлари КПСС Марказий Комитетининг Биринчи Май Чақириқларига амалий ишлари билан жавоб беришда юбилей йили топшириқларини барвақт бажариш учун социалистик мусобақани кенг кулоч ёйдириб, маҳсулот реализация қилиш ва нўпчилик энг муҳим маҳсулот турларини ишлаб чиқариш ҳажми юзасидан январь-апрелга мўлжалланган давлат планини 26 апрелда бажардилар. Апрелнинг қолган кунларида давлат программасига қўшимча анчагина маҳсулот ишлаб чиқарилади.

●

Тошкент область меҳнаткашлари саноат маҳсулотини реализация қилиш ва буюмларнинг нўпчилик энг муҳим турларини ишлаб чиқариш юзасидан юбилей йили тўрт ойлик планини 27 апрелда бажардилар. 1 Майгача пландан ташқари 41 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади ва реализация қилинади.

●

Андижон области саноат корхоналарининг коллективлари 1 Май байрамини зарбдор меҳнат билан кутиб олаётиб, энг муҳим маҳсулот турларини ишлаб чиқариш ва реализация қилиш юзасидан тўрт ойлик давлат планини барвақт — 25 апрелда бажардилар. Ой охиригача пландан ташқари 12 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинади.

●

Самарқанд области саноат корхоналарининг меҳнаткашлари нўпчилик энг муҳим маҳсулот турларини ишлаб чиқариш ва реализация қилиш тўрт ойлик программасини 26 апрелда муддатидан илгари бажардилар. Ойнинг қолган кунларида топшириққа қўшимча 13 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилиш мўлжалланади.

●

Сурхондарё областининг корхоналари нўпчилик энг муҳим маҳсулот турларини ишлаб чиқариш ва маҳсулот реализация қилиш тўрт ойлик планини 25 апрелда бажариб бўлди. Тўрт ойлик пландан ташқари 7 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинади.

●

Қорақалпоғистон АССР саноатининг меҳнаткашлари Улуғ Октябрнинг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун бошланган социалистик мусобақага қўшилиб, маҳсулот нўпчилик турларини ишлаб чиқариш ва реализация қилиш тўрт ойлик программасини муддатидан илгари бажардилар. План 26 апрелда адо этилди. Ойнинг охиригача қолган кунларда қўшимча равишда 4.4 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади.

●

Наманган области саноат корхоналарининг коллективлари маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни реализация қилиш планини муддатидан илгари. 26 апрелда адо этдилар. Пландан ташқари 8,5 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинади.

●

Хоразм области саноат ходимлари маҳсулотни реализация қилиш, шунингдек буюмларнинг нўпчилик энг муҳим турларини ишлаб чиқариш юзасидан, белгиланган тўрт ойлик планни 26 апрелда бажардилар. Ойнинг охиригача қўшимча равишда 4 миллион сўмлик маҳсулотни реализация қилиш мажбуриятини олдилар.

●

Республика пахта тозалаш саноати корхоналарининг коллективлари Октябрнинг 60 йиллиги шарафига зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажарди. Биринчи Майни муносиб кутиб олмоқдалар. Улар маҳсулот реализация қилиш тўрт ойлик планини муддатидан олдин. 26 апрелда бажардилар. Уларнинг беш йиллик фондига пландан ташқари қўшадиган ҳиссалари 47 миллион сўмдан ошиб кетади.

●

Ўзбекистон ССР Озиқ-овқат саноати министрлиги хабар қилади: соҳа корхоналарининг коллективлари маҳсулот реализация қилиш тўрт ойлик программасини муддатидан илгари 26 апрелда бажардилар. Апрелнинг қолган кунларида 12 миллион сўмлик қўшимча кондитер маҳсулотлари ва макарон маҳсулотлари, мой, совун, маргарин, қадоқланган чой ва бошқа маҳсулотлар тайёрлаб чиқарилади.

●

Ўзбекистондаги балиқчилик колхозларининг балиқчилари, ишчилари, инженер-техник ходимлари, меҳнаткашлари маҳсулот реализация қилиш тўрт ойлик планини барвақт — 26 апрелда бажариб бўлдилар. Ой охиригача пландан ташқари 432 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинади.

●

Ўзбекистон ССР Бинокорлик материаллари саноати министрлигига қарашли корхоналарнинг коллективлари Ўнинчи беш йиллик топшириқларини барвақт бажариш учун бошланган Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига қўшилиб маҳсулот реализация қилиш январь-апрель ойлари давлат планини муддатидан илгари, 27 апрель куни бажардилар. Ойнинг қолган кунларида пландан ташқари бир прим миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинади.

(ЎзТАГ).

ИНТЕРНАЦИОНАЛИЗМ — БИЗНИНГ БАЙРОҒИМИЗ

«Биз — халқарочилар, интернационалистлармиз», — деган эди В. И. Ленин. Пролетар, социалистик интернационализм ғоллари совет кишиларининг жони ва қонига сингиб кетиб, Ленин партияси тарбиялаб вояга етказган миллион-миллион коммунизм бинокорлари маънавий қиёфасининг энг муҳим белгисига айланган. Бутун дунё меҳнаткашлари билан интернационал бирлик ва бирдамликдан иборат юксак даражада ривожланган ва коммунизм бунёдкорларига хос бўлган туйғу ҳозир Биринчи Май арафасида алоҳида куч билан намоён бўлмоқда.

СССР халқларининг бузилмас дўстлиги ва ҳамкорлиги, уларнинг бошқа социалистик мамлакатлар халқлари билан, жаҳон ишчилар синфи ва барча меҳнаткашлари билан қардошларча ўзаро муносабатлари — амалдаги пролетар интернационализмидир. Илмий коммунизм назарияси ва практикасининг мазмуни пролетар интернационализми руҳи билан суғорилган. КПСС Марказий Комитетининг Октябрь революциясининг 60 йиллиги тўғрисидаги қарорида қайд этилганидек, интернационализм байроғи остида Октябрь ғалабасига эришилди, биринчи социалистик давлатнинг позициялари мустаҳкамланди, жаҳон социализм системаси вужудга келди, социалистик давлатлар ҳамдўстлиги мустаҳкамланиб ривожланмоқда, халқаро коммунистик, ишчилар ҳаракати ўсмоқда ва жипслашмоқда.

КПСС доимо социализмнинг, бутун революцион ҳаракатнинг туб интернационал манфаатларига асосланиб иш тутмоқда. У Ватанимиз тақдирини ҳеч качон бошқа мамлакатларнинг, бошқа халқларнинг тақдиридан ажратиб қўйган эмас. Бинобарин, унинг коммунизм қуриш мақсадини кўзловчи ички сиёсати ҳамда тинчлик ва социал тараққиёт ишини мустаҳкамлашга қаратилган ташқи сиёсати совет халқининг манфаатларигагина эмас, шу билан бирга ер юзидаги жамики меҳнат аҳлининг эзгу орзу-умидларига мос келади, ҳозирги замон революцион кучларининг инсониятнинг энг яхши келажаги йўлидаги муштарак курашига муносиб ҳисса бўлиб қўшилади.

Жаҳон коммунистлари 60 миллионли армиясининг жанговар отряди бўлган КПСС ҳамиша пролетар интернационализмига содиқ бўлиб келди ва оғишмай содиқ бўлаверади. У қардош партиялар билан биргаликда пролетар интернационализмининг ҳақиқий моҳиятини бузиш, ишчилар ҳаракатини шу қадар кучли, синалган қуролдан маҳрум қилиш йўлидаги ҳар қандай уринишларга кескин қарши чиқмоқда. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев партия XXV съездида коммунистлар фаолиятининг ҳаёт синовидан ўтган ана шу энг муҳим принципи аҳамиятини таъкидлаб бундай деди: «Биз, совет коммунистлари пролетар интернационализмини ҳимоя қилишни ҳар бир марксчи-ленинчининг муқаддас бурчи деб ҳисоблаймиз».

Совет кишиларининг кундалик ишлари ва муддаоларида ўз ифодасини топган олижаноб интернационализм принциплари замирида қудратли куч бор. Совет кишилари тинчлик ва халқаро ҳамкорлик учун, халқлар озодлиги ва мустақиллиги учун бундан буёнги курашнинг партия съезди қабул қилган программасини амалга ошириш учун ҳамма ишни қилаверадилар. Мамлакатимизнинг ташқи сиёсати чиндан ҳам умумхалқ иши бўлиб қолди.

Совет халқи барча қитъаларнинг меҳнаткашлари билан интернационал бирдамликнинг мустаҳкам алоқалари билан боғланган. Бизнинг халқаро алоқаларимиз кенг, турли ирқ ва миллатларга мансуб кишилар билан муомала, бевосита мулоқот қилиш формалари хилма-хил. Кейинги беш йил мобайнида касаба союзлари йўли билангина тўрт ярим мингдан ортиқ делегация Совет Иттифоқина келиб кетди ва тўрт мингга яқин совет делегацияси чет элларга бориб келди. Биз ўзимиз тўплаган тажрибани биз билан бирга бунёдкорлик қилаётган ва курашаётган чет эллик синфдош қардошларимиз билан баҳонидил ва чин кўнгилдан баҳам кўрамиз. уларнинг биз учун, муштарак мақсадларга эришиш учун қимматли ва фойдали бўлган ҳамма тажрибаларини ўрганамиз.

Халқимизнинг интернационализми мустамлакачилик нишонларидан халос бўлган мамлакатлар билан муносабатларда яққол намоён бўлмоқда. Совет Иттифоқи, бошқа социалистик давлатлар ҳамиша империалистик агрессияга, бўйруқбозлик ва зўравонликка қарши курашаётган халқлар тарафида бўлиб келганлигини яққол кўрсатувчи фактлар жуда кўп. Улар озодликка чиққан мамлакатлар билан тенг ҳуқуқли муносабатларни муттасил ривожлантирмоқдалар ва уларнинг иқтисодий ўсишига баҳоли қудрат ёрдам бермоқдалар. Минглаб совет инженерлари, врачлари, педагоглари ва бошқа мутахассислари шу мамлакатларда фидокорона ишлаб, уларнинг замонавий миллий экономикасини барпо этишга, маориф, соғлиқни сақлаш, фан ва маданиятни ривожлантиришга кўмаклашмоқдалар. Бизнинг халқаро сиёсатимиз империализм кучларини, ўз умрини яшаб бўлган тартибларини сақлаб қолишга, давлатлар ўртасига адоват ва можаро уруғларини сочишга уринаётган ўтмиш кучларини қисиб бормоқда.

Чинакам интернационалист бўлган совет кишиси ер курраси да содир бўлаётган ҳамма воқеаларни ғолт қизиқиб кузатиб турибди. Чили фожиаси ва Фаластин халқининг адаб уқубатлари, ирқчи Родезия ва Жанубий Африка Республикаси тўб жой аҳолисининг ҳуқуқсиз ҳолати капитал мамлакатларидаги миллион-миллион ишсизлар ва йўқсулларнинг тақдири бизни ҳаяжонга солмоқда. Биз оммавий забастовка ҳаракатининг, ишчилар бошлаган ва кучайиб бораётган синфий жанглар қатнашчилари билан, монополиялар ҳукмронлигига қарши, тинчлик, демократия ва социализм учун барча курашчилар билан қардошларча бирдамлик назор этамиз.

Интернационализмга содиқ бўлган КПСС унинг принципларини қарор топтириш ва ривожлантириш учун кўп иш қилмоқда. Илмий тадқиқотлар ва муҳокамалар, шу жумладан назарий конференциялар пролетар интернационализми назарияси ва практикасини ишлаб чиқишга ёрдам беради. «Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги ва пролетар интернационализмининг тантанаси» мавзуида якинда Тошкентда бўлиб ўтган Бутуниттифоқ илмий-назарий конференциясининг самарали иши бунга мисол бўла олади. Меҳнаткашларни аниқ мақсадни кўзлаб, планли равишда интернационал руҳда тарбиялаш катта аҳамиятга эгадир. Партия ташкилотлари бу ишни такомиллаштириш, унинг ҳамма воситаларидан, оғзаки, босма воситаларидан, нўрғазмали пропаганда ва агитациядан янада тўла-тўкис фойдаланиш учун етарли тажриба орттирганлар. Бунда гап, шу жумладан, интернационализмнинг моҳиятини чуқур тушунтириб бериш, унинг миллатчилик ҳурофотлари ва шовинизм қарқитларига мутлақо зид эканлигини яққол кўрсатиш устида бораётир.

Бизнинг партиямиз Маркс, Энгельс, Ленин кўтарган пролетар интернационализми байроғини, меҳнаткаш инсониятнинг порлоқ идеаллари учун, коммунизм учун зафарли нураш байроғини баланд кўтариб бормоқда. КПСС Марказий Комитети Биринчи Май чақириғи сўзлари бутун дунёда илҳомбахш янграмоқда:

— Яшасин халқаро ишчилар синфининг синалган ва қудратли қуроли — пролетар интернационализми!

Бутун дунё коммунистларининг бирлиги ва жипслиги марксизм-ленинизм, пролетар интернационализмининг ўзгармас асосида мустаҳкамланаверсин!

(«Правда» газетасининг 27 апрелдаги бош мақоласи).



Улуғ Октябрнинг 60 йиллик қутлуғ тўйини тўрт минг тонна «оқ олтин» хирмони ўйиш билан кутиб олишга қарор қилган Жиззах область, Октябрь районидаги Ҳамид Олимжон номли совхоз заршунослари ғўза парваришини кун сайин қизитмоқдалар. Ям-яшил ғўза пайкалларида 33 та культиватор тирқиланган трактор ишлаб турибди. Маҳжуд майдонлардаги ғўзалар биринчи парваришдан чиқарилмоқда. Суратларда: (чапдан) хўжаликнинг пешқадам механизатори Т. Тошпўлатов, (ўнгда) совхоз далаларида ғўзани культивация қилиш пайти.

Ж. Тўраев фотолари.

КИЕВЛИК ЧОРВАДОРЛАР ТАШАББУСИ ИЗДОШЛАРИ

ЧУДНАЯ УСЛУБИ ҚЎЛ КЕЛДИ

ЯНГИЙЎЛ, («Совет Ўзбекистони» махсус мухбири хабар қилади). КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг киевлик чорвадорларга йўллаган мактуби райондаги «Ленинизм» колхози чорвадорларининг диққат марказида бўлмоқда. уларни янги меҳнат зафарларига илҳомлантирмоқда. Чорва комплекси коллективи сигирларни доғ таратган соғувчи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Анастасия Чулная услубида парваришлаб, кўп ва серқаймоқ сут соғиб олишда яхши кўрсаткичларга эришмоқдалар.

Чорва комплекси коллективи ўнинчи беш йиллигининг иккинчи давраси—1977 йилда 1.000 тонна сут, 97 тонна гўшт етиштиришга аҳд қилди. Олинган юксак социалистик мажбуриятни шараф билан бажариш учун социалистик мусобақа тобора кучайтирилмоқда. Ҳар бир соғувчи ўз парваришидаги сигирларни зоотехника қоидалари асосида боқиб, соғиб олинаётган сут миқдорини кун сайин оширмоқда. Хўжалик бўйича биринчи кварталда сут тайёрлаш топшириғи ортиғи билан бажарилди, сигирларнинг сути ўтган йилнинг шу даврида гига нисбатан анча кўпайтирилди.

Бу йил ҳар бош сигирдан 4.400 килограммдан сут соғиб олишга азму қарор қилган соғувчилар кунлик графикни ошириб бажармоқдалар. Шуниси ҳам диққатга сазоворки, чорва комплексида нисбатан қолоқ ёки орқада қолаётганлар йўқ, ҳамма соғувчилар зарбдорчасига меҳнат қилмоқда. «Сафримизда қолоқлар бўлмайди! Бир йилда бир ярим-икки йиллик план миқдорида сут соғиб олишнига эришамиз!» — ҳамма ана шундай шиор остида фидойилик намуналарини кўрсатиб меҳнат қилмоқда.

Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти чорва моллар тўёқ сонини кўпайтириш, маҳсулдорлигини ошириш ҳақида ғамхўрликни кучайтирмоқда. Йил охиригача қорамоллар сони 930 бошга, шу жумладан сигирлар сони 310 бошга етказилади. Сигирлардан бузоқ олиш топшириғи муваффақиятли адо этилмоқда.

Хўжаликда гўшт етиштириш саноат негизида ташкил этилмоқда. Қорамоллар чорва комплексида боқилиб, ҳар бирининг тирик вазни 420-430 килограммга етказилиб гўштга топширилмоқда. Бўрдоқичилик хўжаликка катта иқтисодий фойда келтирмоқда. Ҳисоб-китобларга бўрдоқичиликни ривожлантириш йўли билан йиллик гўшт тайёрлаш планини муддатидан илгари —учинчи кварталдаёқ бажариш мумкинлигидан далолат бермоқда.

Ўртоқ Л. И. Брежнев киевлик чорвадорларга йўллаган мактубида сут, гўшт етиштиришни кўпайтириш билан бир қаторда бошқа хил маҳсулотлар миқдорини ҳам ошириб, сорти ва сифатини яхшилаш лозимлигини таъкидлаган эди. Колхоз чорвадорлари бу йил 33 центнер жун, 143 минг дона тухум тайёрлаш топшириғини ҳам муддатидан илгари бажаришга аҳд қилдилар.

Хўжаликда чорва моллар озуқа базасини мустаҳкамлаш қоралари кўрилмоқда. Бу йил 2.896 тонна дағал хашак, 1.560 тонна сенаж, 3.300 тонна силос, 1.100 тонна хашаки лавлаги, 118 тонна ўт уни тайёрланади. Маккажўхори дони 860 тоннага етказилади Шу кунларда беда, маккажўхори, илдизи озуқабоп экинлар парваришни агротехника қоидалари асосида ўтқазилмоқда.

Чорва комплексида иш қизғин. Моҳир соғувчиларнинг қўли-қўлига тегмайди. Улар ўзларига бириктирилган сигирларни тезкорлик билан соғиб, гўйимли озуқалар билан парваришламоқдалар. Баҳор байрами — 1 Майга халқимизга ҳар қачонгидан кўп ва серқаймоқ сут, сўқим, бўрдоқи гўшти ва бошқа маҳсулотлар етказиб бериш чорвадорларнинг шарафли ишига айланди. Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги шарафига бошланган мусобақа авж олдирилмоқда.

МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

Республика Маҳаллий саноат министрлигининг корхоналари Улуғ Октябрь 60 йиллиги шарафига бошланган социалистик мусобақага қўшилиб маҳсулот реализация қилиш бўйича тўрт ойлик давлат планини муддатидан олдин 27 апрелда бажардилар. Ой охиригача қўшимча равишда 3.2 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинади.

(ЎзТАГ).

ЛЕНИН АНЪАНАЛАРИГА САДОҚАТ

27 апрель куни Кремлда КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневга СССР Журналистлар союзининг топшириғига мувофиқ 2-сон аъзолик билети топширилди. 1918 йилдан буён қарор топган анъанага мувофиқ СССР Журналистлар союзининг 1-сон аъзолик билети Коммунистик партия ва Совет давлатининг асосчиси Владимир Ильич Ленин номига ёзилди.

Ўртоқ Л. И. Брежнев совет журналистлари кўрсатган ҳурмат-эътиборлари учун қизғин ташаккур айтди. Л. И. Брежнев совет матбуоти, радиоси, телевидениеси, информация агентликларининг ходимлари Сиёсий бюро, КПСС Марказий Комитети раҳбарлигида Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг ички ва ташқи сиёсатини пропаганда қилиш, КПСС XXV съезди ўртага қўйган вазифаларни бажариш йўлида совет кишиларининг сиёсий активлиги ва меҳнат ғайратини сафарбар этиш соҳасида катта ишлар қилаётганликларини таъкидлаб ўтди.

Ўртоқ Л. И. Брежневга аъзолик билетини СССР Журналистлар союзи правлениесининг раиси, «Правда» газетасининг бош редактори В. Г. Афанасьев, СССР Журналистлар союзи правлениеси раисининг ўринбосарлари С. Г. Лапин ва Л. М. Замятин топширдилар.

(ТАСС).

А. А. ГРОМИКО ТОШКЕНТДА

Ҳиндистондан Ватанига қайтаётган КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико 27 апрель куни Тошкентда тўхтади. У Ҳиндистонга расмий визит билан борган эди.

Тошкент аэропортида А. А. Громикони КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзолликка кандидатлари кутиб олдилар.

(ЎзТАГ).

СОВЕТ–ҲИНДИСТОН МУЗОКАРАЛАРИ ТУГАДИ

ДЕҲЛИ, 27 апрель. (ТАСС). Деҳлида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико билан Ҳиндистон ташқи ишлар министри А. Б. Важпаи ўртасидаги музокаралар тугади.

Бугунги учрашувлар вақтида ҳозирги замон халқаро аҳволининг энг муҳим масалаларини муҳокама қилиш давом эттирилди, жумладан қуролсизланиш проблемалари. Яқин Шарқ ва Африка жанубидаги аҳвол кўриб чиқилди. Ҳинд океанини тинчлик зонасига айлантириш масаласи юзасидан фикрлашиб олинди.

А. А Громико билан А Б. Важпаи иқтисодий ва техникавий ҳамкорлик ҳақида ва гропосфера алоқаси барпо этишдаги ҳамкорлик тўғрисида иккита янги Совет—Ҳиндистон шартномасини имзоладилар.

Айни чоғда СССР ташқи савдо министрининг ўринбосари И. Т. Гришин билан Ҳиндистон савдо министрлиги секретари П. Ч. Александер 1977 йилда айрим товарларни ўзаро етказиб бериш ҳақидаги Совет — Ҳиндистон шартномасини имзоладилар.

Имзоланган шартномалар СССР билан Ҳиндистон ўртасидаги дўстона муносабатларни ва ҳар тарафлама ҳамкорликни янада ривожлантириш ишига қўшилган янги муҳим ҳиссадир.

Шу куни А. А. Громико Ҳиндистон ташқи ишлар министри А. Б. Важпаи шарафига поқушта зиёфат берди.

Зиёфатда Ҳиндистон ҳукуматининг министрлари, Ҳиндистон парламентининг аъзолари ҳамда партиялар ва оммавий жамоат ташкилотларининг намояндалари ҳозир бўлдилар. зиёфат вақтида А. А. Громико билан А. Б. Важпаи дўстона қадаҳ кўтариб, нутқ сўзладилар.

* * *

ДЕҲЛИ, 27 апрель. (ТАСС) Бугун КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико Ҳиндистонга қилган расмий визити тугагандан кейин Деҳлидан Ватанига жўнаб кетди.

Аэропортда А. А. Громикони Ҳиндистон ташқи ишлар министри А. Б. Важпаи, Ҳиндистонниг СССРдаги элчиси И. К. Гужрал, СССРнинг Ҳиндистондаги элчиси В. Ф Мальцев, социалистик мамлакатларнинг Деҳлидаги дипломатия ваколатхоналарининг бошлиқлари кузатиб қолдилар.

ЧОРВАДОРЛАР КЕНГАШИ

Ўзбекистон чорвачилик илмий-тадқиқот институтида кенгаш бўлиб ўтди. Бу кенгашда В И Ленин номли Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалиги фанлари академияси Ўрта Осиё бўлимининг олимлари, республикадаги илғор чорвачилик хўжаликларининг ходимлари иштирок этдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари П Р. Қурбонов кенгашни очди.

Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалиги министри А. А Уркинбоев КПСС XXV съезди ва Ўзбекистон Компартияси XIX съезднинг қарорлари асосида республика чорвачилигини янада ривожлантириш тўғрисида доклад қилди. Чорвачиликни ривожлантириш истиқболлари, юбилей йилида чорвадорларнинг вазифалари тўғрисида қилинган доклад ва ахборотлар ҳам тингланди. (ЎзТАГ).

ТЕАТР БАЙРАМИ

НУКУС, 27 апрель. (ЎзТАГ). К. С. Станиславский номли қоракалпоқ давлат музикали драма ва комедия театри ўз тарихининг шонли санаси — театр ташкил этилган кунининг 50 йиллигини нишонлади.

Қоракалпоғистонда революцияга қадар профессионал театр бўлмаган эди. Халқ оғзаки ижодиётидаги драма элементлари, монолог ва диалоглар, миллий ўйинлардаги комик ва сатирик саҳналар, халқ бахшилари ва жировларининг маҳорати Амударёнинг қуйи соҳиллари да биринчи театр коллективи тузилишида сарчашма вазифасини бажарди. 1925 йилда Тўрткўлда «Тонг нури» миллий театр труппаси вужудга келди. Педагогика техникумининг ўқитувчиси З. Қосимов билан драматург А. Утепов шу ёш коллективнинг жонкуярлари бўлишди. Ана шу труппа К. С. Станиславский номли қоракалпоқ давлат музикали драма ва комедия театрини ташкил этиш учун асос бўлди.

Миллий театрнинг шакллариши ва ривожланишига рус саҳна усталари актив ёрдам бердилар. Москвадаги А. В. Луначарский номли театр санъати институтида қоракалпоқ артистлари учун студия ташкил этилди. Қоракалпоқ артистларига О. И. Пижова ва Б. В. Бибиков сингари таниқли педагоглар таълим беришди.

Нукусдаги театр қоракалпоқ томошабинларини жаҳон маданияти хазинаси дурдоналари билан таништирди. Театр саҳнасида В. Шекспирнинг «Отелло», Ж. Мольернинг «Скапеннинг найрангларин» ва «Тартюф» асарлари, А. Грибоедов, М. Лермонтов, А. Н. Островский, А. Чехов, М. Горький, И. Франко пьесалари қўйилди.

Театр коллективи И. Поповнинг «Оила», К. Яшиннинг «Йўлчи юлдуз», К. Дўсановнинг «Орол денгизи» спектакларини яратиб, совет театр ленинномасига ўз ҳиссасини қўшди.

Театр коллективининг совет театр санъатини ривожлантиришдаги хизматларига Ватан юксак баҳо берди: театр «Ҳурмат Белгиси» ордени билан мукофотланди.

Бугун Қоракалпоғистон пойтахтида театр юбилейига бағишланган тантанали кеча бўлди. Қоракалпоғистон область партия комитетининг биринчи секретари К. Камолов бадиий коллективни, автоном республиканинг барча маданият арбобларини табриклаб, нутқ сўзлади. У йиғилганларнинг гулдурос қарсаклари остида бадиий коллективга Ватан мукофоти — «Ҳурмат Белгиси» орденини топширди.

Қоракалпоғистон АССР маданият министри О. Худойбергенов театрнинг ижодий йўли ҳақида доклад қилди.

Қоракалпоғистон АССР Олий Совети Президиумининг Раиси Д. Ешимбетов саҳна усталаридан бир группасига Ўзбекистон ССР ва Қоракалпоғистон АССРнинг фахрий унвонлари берилганлиги ҳақидаги шаҳодатномаларни, шунингдек Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Қоракалпоғистон автоном республикаси Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиқларини топширди.

Ўзбекистоннинг турли областларидан театр санъати намояндалари, Москва ва иттифоқдош республикалардан келган ҳамкор ижодкорлар юбилар шаънига кутлов сўзлари айтиб самимий табриклар топширдилар. (ЎзТАГ).

МАЙОЛДИ МУСОБАҚАСИНИ ҚИЗИТАЙЛИК!

МАЖБУРИЯТЛАРНИ БАЖАРИШ — ШАРАФЛИ БУРЧ

МУСОБАҚА — МИЛЛИОНЛАР ИЖОДИ

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

АПРЕЛЬ 1977 ЙИЛ 4 (38)

МУСОБАҚА ДАВОМИДА ИЛҒОРЛАР, ҒОЛИБЛАРГИНА ЭМАС, ҚОЛОҚЛАР ҲАМ АНИҚЛАНАДИ. ШУ ТАРИҚА МУСОБАҚА ҚУЧ-ҒАЙРАТНИ ҚАМЧИЛИКЛАРГА БАРҲАМ БЕРИШ, УМУМИЙ ЮКСАЛИШНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ УЧУН ҚОЛОҚ УЧАСТКАЛАРНИ ИЛҒОРЛАР ДАРАЖАСИГА ҚУТАРИШ МАҚСАДИДА САРФЛАШГА ЁРДАМ БЕРАДИ.

Л. И. БРЕЖНЕВ.

Танишинг: Абдураим Тўхтасинов! Марғилон шойи комбинатининг Ленин орденли ва Меҳнат Қизил Байроқ орденли тўқувчиси, социалистик мусобақа ғолиби. Шу йил биринчи квартал планини 129,9 процент бажарди. Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг 72,2 проценти биринчи сортга топширилди. Суратда: коммунистик меҳнат зарбдори А. Тўхтасинов. Чапда эса у меҳнат қилаётган цехнинг умумий кўриниши.

А. Кудряшов фотоси.

ИҚТИСОДИЙ ОБЗОР

ДАСТЛАБКИ БОСҚИЧ ЯКУНЛАРИ

- МЕҲНАТ ҒАЛАБАЛАРИМИЗ — УЛУҒ ОКТЯБРГА
- САФИМИЗДА ҚОЛОҚЛАР БЎЛМАСИН
- МАЙ ОЛДИ МУСОБАҚАСИ АВЖ ОЛМОҚДА

Апрель. Юбилей йилимизнинг дастлабки уч ойи ортда қолди. Унинг суръати ва салмоғини белгиловчи ишимиз якунларини кўриб чиқиш, таҳлил этиш пайти келди. Республикамиз саноат корхоналари, қурилиш ва транспорт ташкилотлари Улуғ Октябрнинг шонли 60 йиллиги шарафига социалистик мусобақани авж олдириб, белгиланган давлат план-топшириқларини, олинган мажбуриятларни муваффақиятли бажармоқдалар. Меҳнатчиларнинг халқаро бирдамлик куни — 1 Май байрамига муносиб совғалар ҳозирламоқдалар.

Биринчи квартал якунлари қувончли бўлди. Индустриямиз коллективлари яхши натижаларга эришди. Маҳсулотни реализация қилиш плани 103 процент бажарилди. Саноат ишлаб чиқаришининг ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 5,8 процент кўпайди, меҳнат унумдорлиги 4,3 процент ошди. Маҳсулот тайёрлашдаги ўсишнинг 74 проценти меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига бўлди.

Шуни мамнуният билан қайд этиш керакки, халқ хўжалигида техника тараққиётини белгиловчи асосий тармоқлар одатдагидек мусобақада пешқадамлик қилдилар. Республика Енгил, Озиқ-овқат, Пахта тозалаш саноатлари министрликлари, «Союзмашхлопководство», «Узбектекстильмаш» бирлашмалари ва бир қанча бошқа корхоналар белгиланган план-топшириқларини барвақт уддалаш билан бирга маҳсулотни реализация қилиш юзасидан ўз социалистик мажбуриятларини ҳам ошириб бажардилар.

Илк довон якунлари шуни кўрсатадики, индустриямизнинг барча тармоқлари ҳам ҳали катта резерв ва имкониятларга эга. Ҳатто мусобақада олдинда бораётган министрликлар ва бирлашмалар корхоналари орасида қолоқ коллективлар учраб турибди. Бошқа тармоқлардаги 33 корхона қатори Бухоро ип-газлама комбинати, Наманган тикувчилик фабрикаси, Қўқон ун комбинати, Когон ёғ-экстракция заводи маҳсулот реализация қилиш уч ойлик планини уддалай олмади. Тошкент, Фарғона тўқимачилик ҳамда Қибрай пиво-спиртсиз ичимликлар комбинатлари, Қўқон тикувчилик фабрикаси коллективлари меҳнат унумдорлигини ошириш планини бажармади. Натижада, бу корхоналар биринчи кварталда 13,1 миллион сўмлик кам маҳсулот тайёрлади. «Узбитхимпласт», «Узбекцемент», «Вторчермет» ишлаб чиқариш бирлашмалари маҳсулотни реализация қилиш планларини, Гўшт ва сут саноати министрлиги, «Средазэлектроаппарат», «Узбекгазпром» бирлашмалари социалистик мажбуриятларини адо этишолмади.

Халқ хўжалигининг ёндош тармоқлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш учун ҳам ҳали кўп ишлар қилиниши керак. «Совет Ўзбекистони» газетаси почтасига келаётган хатларда — хом ашё ва тайёр маҳсулотларни ташишда сусткашлик қилаётган баъзи транспорт ташкилотлари, ишга тушиши керак бўлган иншоотлар муддатини чўзиб юбораётган қурилиш участкалари қаттиқ танқид қилинади. Республикадаги асосий пудратчи министрликлар ва идораларнинг ҳаммаси январь-март ойлари топшириқларини тўла бажарган бўлсаларда, уларга қарашли бўлган баъзи қурилиш-монтаж трестлари қабул қилинган мажбуриятлар у ёқда турсин, давлат планларини ҳам уддалай олмадилар. Улар орасида Сирдарёдаги 7-, 22-, Тошкентдаги 3-, 6-, Фарғонадаги 8-, «Ферганасантехмонтаж», Хоразм «Облнохозстрой» трестлари, Тошкент 1-уйсозлик комбинати, Ўзбекистон ССР Қишлоқ қурилиши министрлигининг 2-«Узсельспецстрой» тресті ҳам бор. «Главташкентстрой», «Узглавдостройтрой»да уй-жойлар қуриш ва фойдаланишга топшириш планлари барбод бўлмоқда. Республика қурилиш ва қишлоқ қурилиши министрликларига қарашли айрим қурилиш-монтаж трестлари, механизациялашган нўчма колонналар ҳамда бошқармаларда меҳнат унумдорлигини ошириш топшириқларининг ижроси ҳам кўнгилдагидек эмас.

Вазифа — партия, совет, касаба союз, комсомол ташкилотлари ва хўжалик органлари давлат плани ва социалистик мажбуриятларнинг бажарилмаслик сабабларини синчиклаб иқтисодий таҳлил этишдан, қолоқликни йўқотиб, уларни илғорларга тенглаштириш борасида кўриладиган комплекс чораларни белгилаб олишдан ва ниҳоят буларнинг ҳаммасини изчил амалга ошириш борасида қатъий назорат ўрнатишдан иборат. Янгийўлликларнинг «Сафимизда бирорта ҳам қолоқлар бўлмасин!» — деган ватанпарварлик ташаббуси ҳар бир меҳнат коллективининг асосий шиорига айланмоғи керак.

Майолди социалистик мусобақаси байроғини баланд кўтариш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, қурилиш таннархини арзонлаштириш, миқдор ва сифат кўрсаткичларини қўшиб олиб бориш, Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги шарафига муносиб армуғонлар ҳозирлаш барча ишчилар, қурувчилар, транспорт ходимларининг шон-шараф ишидир.

БАЙРОҚДОР КОРХОНА

Улуғ Октябрнинг 60 йиллик юбилейи шарафига социалистик мусобақани авж олдирган Учқўрғон ёғ-экстракция заводи коллективи қувончли натижаларга эришмоқда.

Пешқадам коллектив шу йилнинг кейинги икки ойи мобайнида планга қўшимча 327 минг сўмлик сифатли маҳсулот реализация қилди. Тежамлик иш юритиш туфайли қарийб 40 тонна ёнилғи, 35 минг киловатт-соат электр энергияси, 274 метр фильтрлаш материали иқтисод қилинди. Бундай муваффақиятларда корхона экстракция цехининг Отахон Бабанов бошлиқ смена ишчиларининг ҳиссаси катта. Сергайрат ишчилардан созловчи Мухтор Ахмаджонов, майдаловчи Мирзамахмуд Жўраев, пресловчилар Абдукарим Холмирзаев ва Юсуфжон Тошпўлатов, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати, слесарь Неъматжон Тожибоевлар смена топшириқларини анча ортиғи билан бажариб, ҳамкасбларига ибрат кўрсатишяпти.

Ўтган йилги иш натижалари бўйича республика социалистик мусобақасида илғорликка эришиб, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғини олган корхона коллективи юбилей йилида ҳам юксак марраларни кўзлаб, ғайрат билан меҳнат қилмоқда.

Ҳ. ТУРСУНОВ.

ТАШАББУС, ТАЖРИБА

СИФАТ ВА РАҒБАТ

«Ҳозирги босқичда социалистик мусобақа сифат жиҳатидан янги ҳислатлар, янги хусуснятлар касб этаётганлиги тамомила табиийдир», — деган эди КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежнев СССР касаба союзларининг XVI съездида сўзлаган нутқида.

Бу сўзларнинг замирида жуда кўп маъно бор. Жумладан, маҳсулот сифатини бошқаришда моддий ва маънавий рағбатлантириш янгича хусусиятлар қамраб олинган. Бундан руҳланган Тошкент кабель заводи меҳнат аҳли маҳсулот сифатини яхшилаш борасида катта ташкилий ишлар олиб бормоқдалар.

Маҳсулотни нуқсонсиз тайёрлаш ва техника назорати бўлимига биринчи тақдимдаёқ маъқул қилдириш учун астойдил ҳаракат бошланган. Натижада, маҳсулотнинг 95-98 проценти биринчи тақдимдаёқ техника назорати бўлимининг яхши ва аъло баҳоларини олмоқда. Кўпчилик буюмлар юз процентга қадар аъло сифат билан қабул қилинаётир.

Корхонада олий сифат категорияси билан чиқаётган маҳсулотлар сон ва миқдор жиҳатдан йил сайин ортиб бормоқда. Ҳозир 35 хил буюм давлат Сифат белгиси билан тайёрланяпти. Бу, завод умумий ишлаб чиқаришининг 40 процентини ташкил этади.

КПСС Марказий Комитетининг «Львов область партия ташкилотлари ва илғор саноат корхоналари коллективларининг маҳсулот сифатини комплекс бошқариш системасини ишлаб чиқиш ва жорий этиш соҳасидаги иш тажрибаси тўғрисида»ги қарорини корхонамизда кенг муҳокама қилдик. Бошқарувнинг комплекс системасини жорий этиш билан боғлиқ бўлган барча масалаларга алоҳида эътибор бердик. Корхона стандартлари ишлаб чиқилди. Бўлимлар тўғрисидаги қоидалар ва барча инженер-техник ходимларнинг аниқ лавозим вазифалари қайта кўрилди. Социалистик мусобақада ҳар бир ишчидан тортиб, бутун-бутун коллективларнинг қатнашиши қатъий назорат остига олинди. Мураббийлик ҳаракати кенг ривож топди. Кунлик, ҳафталик ва ойлик ишларга мунтазам якун ясалиб, илғорлар сифат коэффициентларига кўра тақдирланиши одат бўлди.

Маҳсулот сифатини такомиллаштириш борасида «Бенуқсон меҳнат ва маҳсулотни нуқсонсиз ишлаб чиқариш» системаси катта роль ўйнаяпти. Цех бошлиқлари, технология бюроларининг вакиллари, мастерлар ва техника назорати бўлими ходимлари иш сифати ва самарасини ҳафталик Сифат кунларида кенг муҳокама қилмоқдалар. Ғолиб коллектив ва ишчиларга ойлик маошларига қўшимча 10 процентдан тортиб 30 процентгача мукофотлар тўланяпти. Йўл қўйилган хато ишчининг касб ғуҳоҳномасига албатта ёзиб қўйилмоқда. Брак маҳсулот ишлаб чиқарган ишчилар мукофотдан бутунлай маҳрум қилинади. Йил давомида юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқарган ишчиларга эса «Сифат аълочиси» номи берилиши кўзда тутилган.

Бундан ташқари ойлик ва квартал якунларига кўра пешқадам коллективларга 1, 2, 3-ўринлар белгиланган. Лекин бу ерда қатъий талаблар ҳам бор. Борди-ю, ҳамма кўрсаткичлар ортиғи билан бажарилган бўлса-ю, сифат коэффициенти 0,7 ва ундан кам бўлса ҳеч бир коллектив ўринларга даъвогар бўлолмайди. Ғолиб коллективларга корхона кўчма Қизил байроғи билан бирга вимпеллар қўшиб берилди.

Буларнинг ҳаммаси бизга маҳсулот сифатини комплекс бошқарувда, моддий ва маънавий рағбатлантириш системасини муваффақиятли жорий этишда катта ёрдам бермоқда. Улуғ Октябрнинг шонли 60 йиллиги шарафига зарбдор вахтада ишлаётган корхонамиз коллективи социалистик мажбуриятларини барвақт бажариш йўлида астойдил меҳнат қилмоқда.

Я. ЗАЙНУТДИНОВ,
Тошкент кабель заводи техника назорати бўлими бошлиғи.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОМАНДИРЛАРИ МИНБАРИ

ЖАҲОНГА МАНЗУР ТОЛАМИЗ

Эндиликда сифат проблемаси жуда кенг маъноларни қамраб олмоқда. Юқори сифат деганда меҳнатни ва моддий ресурсларни тежаш, экспорт имкониятларини кўпайтириш ва ниҳоят, жамият эҳтиёжларини яхшироқ, янада кўпроқ қондириш каби тушунчаларга катта эътибор бериляпти.

Бирлашмамиз коллективи бу борада анча ишлар қилди. Ишлаб чиқариш соҳасида ҳам, сифат кўрсаткичини кўтаришда ҳам муайян ютуқларни қўлга киритди. Андижон толаси жаҳонга манзур бўлиб, шуҳрати ортди. Ҳозир дунёдаги 17 мамлакат: Япония, Англия, Канада, Франция, Германия Федератив Республикаси, Швеция, Куба, Польша, Ҳиндистон ва бошқа давлатлар биздан пахта сотиб олмоқдалар. Ҳатто энг тараққий этган капиталистик мамлакатлар ҳам Андижон тамғаси босилган толага тан бераётгани қувонарлидир.

Айниқса, ўтган йили катта муваффақиятларга эришилди. Бирлашмада ишлаб чиқариш ҳажми кўпайиб, пландан ташқари 11.664 тонна тола, 3.992 тонна момиқ тайёрланди. Мўлжалдагидан 27 миллион сўмлик кўп маҳсулот реализация қилинди. Меҳнат унумдорлиги 3,2 процент ўсди. Маҳсулот таннархи 443 минг сўмга арзонлашди. Планга қўшимча равишда олинган фойда 1,6 миллион сўмдан ортиб кетди. Шунингдек, 3,5 миллион киловатт-соат электр энергия ва кўплаб ўроб материаллари тежаб қолинди. Энг муҳими, ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг ҳаммаси юқори сифатли — давлат стандарти талабларига мувофиқ келди.

Улуғ Октябрнинг шонли 60 йиллиги нишонланадиган юбилей йили ҳам дадил қадамлар билан бошланди. Областдаги барча пахта тозалаш заводларида тола сифатини кўтариш учун социалистик мусобақа авж олдирилди. Ленинск пахта тозалаш заводи ишчиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ойимхон Раҳмонова, тола ажратувчи Абдунаби Каримов, момиқ ажратувчи Майсара Фармонова, пресловчи Мамажон Юсупов, Адҳам Ашуров каби ўртоқлар бир беш йилликда икки беш йиллик топшириғини бажариш ташаббуси билан майдонга чиқдилар. Улар ҳозир сентябрь-октябрь ойлари ҳисобига меҳнат қилмоқдалар.

«Москва» пахта тозалаш заводининг донгдор ишчиси, КПСС XXV съезди делегати Жўра Аҳмедов, Қўрғонтепа пахта тозалаш заводининг электр пайвандчиси, Ўзбекистон Компартияси XIX съезди делегати Кимсонхон Ҳошимова, Андижон 3-пахта тозалаш заводининг тола ажратувчиси Саримсоқ Эгамбердиев, Бўз пахта тозалаш заводининг тола ажратувчиси Ғулхон Мамажанова ва бошқалар бу ташаббус изидан бориб, беш йиллик планларини муддатидан олдин бажариш учун астойдил ишламоқдалар.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг «Ишлаб чиқариш самарадорлигини ва иш сифатини ошириш, ўнинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини ўтказиш тўғрисида»ги қароридан руҳланган Андижондаги 1,3, Ленинск, Қўқонқишлоқ, Сўфиқишлоқ пахта тозалаш заводлари коллективлари мусобақада пешқадамлик қилмоқдалар. Мазкур корхоналарда ишлаб чиқаришни замонавий техника билан қайта қуроллантириш, маҳсулот сифатини яхшилашнинг комплекс системасини жорий этиш, самарадорликни ошириш соҳасида қунт билан иш олиб борилмоқда.

Лекин, ишимизга танқидий кўз билан қарасак, ҳали ички имкониятлардан тўла фойдаланилмаётганлигини кўрамиз. Айрим пахта тозалаш заводларида эҳтиётсизлик туфайли механизм ва машиналардан пахтага ёғ томиб қолиш, той пахтани ўрашда давлат стандарти талаблари бузилиб, тойларнинг оғирлиги турлича бўлиб қолиш ҳоллари учраб турибди. Оқибат натижада ғоҳ-ғоҳда бўлса-да, маҳсулотларимиз сифатига ҳаридорлардан эътирозлар оляпмиз.

Пахта тойларини боғлашда пўлат лентаналарга муҳтожлигимиз бор. Бу лентаналар бизга Череповец, Саратов, Новосибирск металлургия комбинатларидан юборилади. Лекин, ишлаб чиқаришни бир меъёрда ташкил этиш учун юқоридаги корхоналар томонидан лентаналар ўз вақтида етказиб берилмаяпти. Мақсадга мувофиқ бўлардики, республика Пахта тозалаш саноати министрлиги бундай лентаналарни республикамизда ҳам ишлаб чиқаришни ташкил этса! Чунки улар айни пайтда бизда меҳнат унумдорлигини янада ошириш, маҳсулот сифатини кўтариш учун катта имкониятлар борлигини кўрсатиб турибди. Ҳозир биз шу ҳақда ўйлаяпмиз. Камчиликларни зудлик билан бартараф этиш, кўп ва юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш йўлларини ахтаряпмиз.

Юбилей йилининг ўтган илк квартали якунлари қувончли бўлди. Белгиланган давлат план-топшириқлари, олинган социалистик мажбуриятлар ҳамма кўрсаткичлар бўйича барвақт адо этилди. Уч ойлик реализация топшириғи 105,4 процент бажарилди. Жумладан, пландан ташқари 2826 тонна тола, 716 тонна момиқ ишлаб чиқарилди. Пландагидан 6 миллион сўмлик кўп маҳсулот реализация қилинди. Меҳнат унумдорлигини ошириш плани 105,3 процент уддаланди. 759 минг сўмлик ўроб материаллари тежаб қолинди.

Эришилган бу ютуқлар областимиз пахта тозалаш саноати ходимлари Улуғ Октябрнинг шонли 60 йиллиги шарафига олган юксак мажбуриятларини сўзсиз бажаришларидан далолат бериб турибди.

З. МАШРАПОВ,
Андижон пахта тайёрлаш ва дастлабки ишлаш саноат бирлашмасининг бошлиғи.

ҒОЛИБЛАР РАПОРТ БЕРАДИ

ҚАШҚАДАРЁ

АСТОЙДИЛ ҲАРАКАТ

Ўтган уч ой ичида баракали меҳнат қилдик. Квартал топшириқлари муваффақиятли якунланди. Механизаторларимиз Лангар ва Қорабоғ сув омборлари қурилишларида матонат билан ишлашди. Бутунгача бригадамиз бўйича 417 минг сўмлик иш бажарилди. Бу, топшириқда белгиланганидан анча кўп. Бошқа техника ва иқтисодий кўрсаткичлар ҳам ошириб адо этилди. Иш вақтидан ва техникадан унумли фойдаланиб, меҳнат унумдорлигини кўзда тутилганидан 13 процентга оширишга муваффақ бўлдик. Қурилиш-монтаж ишлари сифати ошди, таннарх камайди.

Коллективимиз аъзолари иккинчи кварталин ҳам кўтаринкилик билан бошладилар. Апрель ойида юқори меҳнат унумдорлигига эришяпмиз. Механизаторларимиз йиллик планни ўн ойда бажариш, декабрь ойида тежаб қолинган ёнилғи ҳисобига меҳнат қилиш, сув омборлари, каналлар қурилишида 500 минг сўмлик иш бажариш мажбуриятини олганлар.

С. ПАРДАЕВ,
«Кашкадарьяводстрой» трестига қарашли Якқабоғ механизациялашган нўчма колоннаси бригадири, республикада сахмат кўрсатган механизатор.

СУРХОНДАРЁ

КАЛЕНДАРИМДА — 1979 ЙИЛ

Йигирма беш йилдирки, икки прицеп тиркалган «ММЗ-550» маркали автосамосвал бошқараман. Учинчи беш йилликда икки беш йиллик топшириқни бажаришга сўз бергانман.

Юбилей йилининг биринчи кварталн топшириғини 205 процент адо этдим. Учинчи беш йиллик бошидан буён ташиган юкларим 54 минг тоннадан ошиб кетди. Ҳозир меҳнат календаримда — 1979 йилнинг апрель ойи.

Жонажон партиямиз Марказий Комитетининг «Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги тўғрисида»ги қарорига жавобан симмамга янги мажбурият олганман. Юбилей тантаналарига қадар уч йилу саккиз ойлик планни бажаришга, 300 литр ёнилғи тежаб қолишга қарор қилдим. Беш йиллик планда белгиланган 98 минг тонна ўрнига 196 минг тонна юк ташиб бериш ва бу оширилган мажбуриятимни икки ярим йилда бажаришга сўз бердим. «Эр сўзидан, шер изидан қайтмас» деган нақл бор. Сўзимнинг устидан, албатта, чиқаман.

Б. ҚОРАЕВ,
Термиз шаҳридаги 2510-автоколонна шофёри.

МУХБИРИМИЗ БОНГ УРАДИ

«ЙЎҚОЛГАН» ВАГОНЛАР

Мамлакатимиз халқ хўжалиги тараққиётида темир йўл транспортининг аҳамияти беқиёсдир. Шу боисдан ҳам партия ва ҳукуматимиз энг кўп юк ташиладиган районларда темир йўлларнинг поезд ўтказиш ва юк ташиш қобилиятини янада ошириш, вагонларнинг оборотини тезлаштириш учун тинмай ғамхўрлик қилиб келмоқдалар. Натижада муҳим халқ хўжалиги юклари белгиланган манзилларга тез ва бекамкўст етказиб бериляпти. Бироқ ҳамма жойда аҳвол шундай деб бўлмайди Ўрта Осиё темир йўлидаги айрим ходимларнинг масъулиятсизлиги, ўз вазифаларига совуқонлик ва лоқайд қарашлари туфайли кўнгилсиз ҳодисаларга дуч келинмоқда, давлат манфаатларига зарар етказилмоқда. Мисолларга мурожаат қилайлик.

Ўтган йилнинг 7-8 июль кунлари Навоий химия комбинатида ишлаб чиқарилган аммиак селитрасидан 84 вагони «Тинчлик» станциясидан «Узсельхозтехника»нинг Тахиатош базасига жўнатилди. Минерал ўғит ортилган вагонлар 11-14 июлда базага етиб келди. Бироқ 6 та вагон кам эди.

Ана шундан кейин йўқолган вагонларни қидир-қидир бошланди «Узсельхозтехника» Қорақалпоғистон бирлашмаси ходимлари темир йўлчилардан тайинлироқ жавоб олмагач. Бухоро, Чоржўй, Тошовуз. Хоразм областларига, Туркманистон республикаси ва Ўрта Осиё темир йўли бошқармасига мурожаат қилишди. Топилмади.

Вақт ўтиб борарди. Ғўза парвариши айни қизиғи пайтда ҳосил хамиртуруши — минерал ўғитнинг нақадар зарур эканлигини, уни пахтакорлар кўзлари тўрт бўлиб кутишганини темир йўлчилар ўйлаб кўришганмикин?

Ниҳоят, йўқолган селитралар Қорақалпоғистон область партия комитети, Автоном республика Министрлар Советининг аралашувидан кейингина 25 кун ўтгач топилди. Икки вагон селитранинг дараги Чоржўйдаги Буюнузун, тўрт вагон ўғитнинг хабари эса Тошовуз станциясидан чиқди.

Тўғри, бу селитралар ундириб олинди, тегишли хўжаликларга жўнатилди. Лекин масаланинг бошқа томони бор: темир йўлдаги айрим масъул кишиларнинг айби билан қанчадан-қанча кишиларнинг қимматбаҳо вақти, давлат маблағлари қўкка совурилди.

Юқорида тилга олинган кўнгилсиз воқеа ягона бўлганда эди, қаламга олиб ўтирмасдик. Бироқ темир йўл транспортига ортилган халқ хўжалик юкларининг кўрсатилган станция ва базаларга тўла-тўкис етиб келмаслик ҳоллари тез-тез такрорланаётгани кишини ташвишлантиради.

— Трактор ва автомашиналарни комплектсиз олмаймиз, — деб талаб қилсангиз, станция бошлиқлари бизга келгани шу, кабилида елка қисишади. — куйиниб ҳикоя қилади «Узсельхозтехника» Қорақалпоғистон бирлашмаси раисининг ўринбосари У. Муҳамедов. — Қаттиқроқ талаб қилганингизда кейин, коммерция акти тузишади. Лекин колхоз ва совхозларга, хўжаликларга қоғоз эмас, тўкис техника керак.

Қорақалпоғистон АССР хўжаликлари шу йилнинг дастлабки икки ярим ойи мобайнида салкам 60 та ҳайдов тракторини аккумуляторсиз олди. Аккумулятор ва бошқа эҳтиёт қисмлар йўқлигидан юзлаб янги тракторлар, бульдозерлар, автомашиналар бекор турибди.

Шу ўринда бир савол туғилади: саноат корхоналари, таъминот ташкилотлари шартномадаги буюртма бўйича юкларни вагонларга ортаётганларида, темир йўлчилар уларнинг бутлигини текшириб оладилар-ку! Шундай экан, нега энди халқ хўжалик юклари жойларга тўла-тўкис етказиб берилмайди? Бунга ким айбдор?

Илғор ишчилар, меҳнат ветеранлари, бутун-бутун коллективлар инсон шарафини эсдан чиқариб қўядиган, интизомни бузадиган, халқ мулкини эҳтиёт қилмайдиганларга нисбатан талабчанликни қучайтириш тўғрисидаги масалани кўтармоқдалар. Бу ҳақда СССР касаба союзлари XVI съездида ҳам гап бўлиб ўтди. Шунинг учун ҳам баъзи темир йўл транспорти ходимларининг ўз ишларига ана шундай масъулиятсизлик билан ёндашишлари таажжубланарлидир.

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ТЕХНИКА ИШОНЧЛИ ҚЎЛЛАРДА

ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА ЮКСАК САМАРАДОРЛИК УЧУН

Умуман қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини, хусусан пахтачиликни комплекс механизациялаш даражаси тобора ошиб бораётган ҳозирги шароитда техникадан самарали фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Маълумки, колхоз ва совхозларнинг машина-трактор паркидаги қудратли машина ҳамда механизмлар йил сайин кўпаймоқда. Масалан, колхозимиз машина-трактор паркида ҳозир 13 та ҳайдов, 25 та чопиқ трактори, 23 та пахта териш машинаси, галла ва маккажўхори ўрадиган комбайнлар, бульдозер ва экскаваторлар мавжуд.

Айни вақтда хўжаликда кўп сонли юқори малакали механизатор кадрлар етишиб чиқди. Улар ўз қўлларига топшириб қўйилган техниканинг кучидан самарали фойдаланиб, дон, беда, маккажўхори, чигит ва бошқа экинлар уруғини қулай агротехника муддатларида экяптилар, экинларни талаб этилган даражада парвариш қиляптилар. Натижада, улардан мўл ҳосил олиняпти.

Бизнинг шароитимизда тракторлардан қай даражада самарали фойдаланилаётганлигини чигит экиш ва ғўзани парвариш қилишда ишлатиладиган чопиқ тракторлари мисолида яққол кўриш мумкин. Бу йил 1000 гектар майдонга чигит олти иш кунида сифатли қилиб экиб олинди. Чигит экишда 14 та агрегат ишлатилди. Ҳар бир агрегат бирдан бир кунда нормадаги 8 гектар ўрнига қариб 12 гектар ерга чигит экилди. Механизаторларимиз аввало трактор ва сеялкаларни сифатли ремонт қилганликлари, уларни тўхтовсиз ҳамда юқори унум билан ишлатганликлари туфайли чигит экишда ана шундай юксак самарага эришдилар.

Ҳозир ғўза парвариши бошлаб юборилди. Механизаторларимиз экинни культивация қилиш, озиқлантириш ва суғориш эгатларини олишни жадал давом эттирмоқдалар. Сувчилар эса ғўзани суғоришга киришдилар.

Ғўза кун санайдиган экин. Унинг ўсиш ва ривожланиш даври чигит ердан униб чиққан кундан бошланади. Шундай бўлгандан кейин чигит экиш қанча эрта бошланса ва тез тугалланса шунча яхши. Чунки ҳосил барвақт етилади. Уни йиғиб-териб олишга ҳам эртароқ киришилади.

Бироқ, ҳосилнинг эртаги бўлиши учун фақат чигит экишни барвақт бошлаш ва уни тезроқ тугаллашнинг ўзи кифоя қилмайди. Бунинг учун ғўзани сифатли парвариш қилиб, уни нормал ўстириш ҳамда ривожлантириш ҳам керак. Бунга эса ғўзани парвариш қилишда ишлатиладиган техникадан самарали фойдаланиш орқали эришиш мумкин. Механизаторларимиз худди шундай қилишяпти. Улар чигит экиш вақтида ҳар бир агрегатни юксак унум билан ишлатганларидек, ёзда ғўзани парвариш қилиш вақтида ҳам ҳар бир трактор ва унга тиркалган культиватор, ўғитлагич ва эгат олиш механизми билан имкони борича кўпроқ майдондаги экинни культивация қилиш, озиқлантириш ва суғориш эгатлари олишга эришмоқдалар.

Буни ўтган йилги ишнинг натижасидан кўриш мумкин. Бултур ғўза саккиз марта культивация қилинди, тўрт марта суғорилди. Демак, барча майдонга бир йўла минерал ва маҳаллий ўғитлар солган ҳолда тўрт марта суғориш эгатлари олинди.

Энди битта чопиқ трактори имкониятини ҳисобга олганда, у чигит экишдан тортиб то ғўза парвариши тугаллангунча қанча иш бажариши керак эдию, амалда қанча иш бажарганига назар ташлаб кўрайлик. **14 та трактор агрегати билан 8000 гектар ерда культивация ўтказилди. 4000 гектар ерда эгат олинди. Бунга бултур ҳам чигит экилган 1000 гектар ерни қўшсак, жами 13 минг гектар бўлиб, ҳар бир тракторга қариб 930 гектардан тўғри келади. Унинг техника қуввати эса 750 гектарга тенг.** Бошқача қилиб айтганда, ҳар бир трактор билан бир кунда 6,2 гектар ўрнига қариб саккиз гектар ерда иш бажарилди.

Шу туфайли ҳосил кутилганидан ҳам мўл бўлди ва эрта етилди. Уни йиғиб-териб олишга барвақт киришилди. Барча етиштирилган ҳосил тез ва нобуд қилмай териб олинди. План ва мажбурият қисқа муддатда ado этилди. **Ҳар гектар ердан пландаги 31,1 центнер ўрнига 47,6 центнердан ҳосил кўтарилди. Давлатга 4781 тонна «оқ олтин» етказиб берилди. Бу пландагидан 1616 тонна кўп.**

Тажриба шуни кўрсатдики, қаерда машина теримига зўр берилса, терим агрегатлари тўхтовсиз ва юқори унум билан ишлатилса, уларнинг қувватидан тўла ва самарали фойдаланилса, ўша ерда етиштирилган ҳосил қисқа муддатда нобуд қилинмай олинади, план ва мажбурият барвақт бажарилади. Колхозимизда 23 та икки қаторли терим агрегати бор. Бултур машина теримига ҳар қачонгидан кўпроқ эътибор бердик. Терим агрегатлари юқори унум билан ишлатилди. Механизаторларимиз машиналар бункеридан кун сайин кўпроқ пахта тўкишга эришдилар. Машиналар хирмонга барака киритди. Ҳосил йиғим-терими суръати мисли кўрилмаган даражада тезлашди. Терим айни авж олган паллада бир кунда йиллик планнинг 10-11 процентига миқдорида пахта терилди ва тайёрланди. Шу туфайли колхоз давлатга пахта сотиш юзасидан белгиланган халқ хўжалик планини республикада биринчи бўлиб 9 иш кунида ado этди.

Бунга **пахтанинг 96 процентдан кўпроғи, яъни 4610 тоннаси машиналар билан терилгани туфайли эришилди. Ҳар бир машина билан ўрта ҳисобда 200 тоннадан пахта терилди. Битта икки қаторли терим машинаси учун давлат томонидан белгиланган мавсум нормаси эса 80 тонна.**

Машина теримининг иқтисодий самарасига келганда шуни айтиш керакки, икки қаторли машинада ишлаган механик-ҳайдовчига бир тонна пахтани тергани учун 3 сўм 80 тийин ҳақ тўланади. Бундан ташқари, бир тонна пахтани териш учун қилинадиган амортизация харажати, жорий ремонт, эҳтиёт қисмлар, ёнилғи ва мойлаш материалларига қилинадиган сарфлар 9 сўм 55 тийинни, механик-ҳайдовчига тўланган ҳақ билан биргаликда жами харажат 13 сўм 35 тийинни ташкил этади. Ёки бошқача қилиб айтганда, битта икки қаторли терим машинасининг давлат баҳоси 7 минг сўм бўлиб, у беш йил ишлайди ва бинобарин амортизация харажати бир йилга 1400 сўмга тўғри келади. Ўтган йили битта машинанинг жорий ремонтига 400 сўм сарфланди. Унга мавсум давомида қиймати 110 сўмлик бир ярим тонна ёнилғи ва мойлаш материаллари ишлатилди. Мавсумда 200 тонна пахта тергани учун механик-ҳайдовчига 760 сўм ҳақ тўланди. Шундай қилиб, жами ҳаражат 2670 сўмни ташкил этди.

Бир тонна пахтани қўлда тергани учун теримчига 50 сўм ҳақ тўланди. Демак, бир тонна пахтани машинада териш ҳисобида 36 сўм 65 тийин, 4610 тонна пахтани териш ҳисобига эса 168 минг 956 сўм маблағ тежаб қолинди.

Хўжаликда техника ишончли қўлларга топширилган. Механизаторларимиз юқори малакали, техникадан юқори унум билан фойдаланиш, дала ишларини бажаришда юксак меҳнат унумдорлиги ва яхши сифатга эришиш борасида бой тажриба тўплашган. Бултур Уммат Маматов, Ваҳоб Маматов, Мардон Орипов каби механизаторлар ғўзани культивация қилиш, озиқлантириш ва суғориш эгатлари олиш, қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши курашда жуда яхши натижаларга эришдилар. Уларнинг ҳар бири ўз агрегати билан 1100 — 1200 гектар иш бажарди. Бу пешқадамлар бу йил экишда ҳам ибрат кўрсатиб меҳнат қилишди. Сервер Усеинов, Ражаб Бесбоев, Ҳамид Шаропов, Қурбонсаид Султонов ва Камол Келешев сингари моҳир механик-ҳайдовчилар бултур ўз машиналари бункеридан бир кунда 15—20 тоннага етказиб пахта тўкишди. Уларнинг ҳар бири мавсумда 240—330 тоннадан пахта теришди.

Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти механизатор кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакаси, маҳоратини оширишга муттасил катта эътибор бериб келмоқдалар. Хўжаликда мавжуд бўлган барча техникани ишлатиш учун 64 механизатор керак. Ҳозир эса 90 дан ортиқ механизаторга эгамиз. Бу йил янгидан 24 механизатор тайёрланди. Чигит экиш ва ғўзани культивация қилишда фақат биринчи классли механизаторлар ишлайди. Механизаторларнинг кўпчилиги кўп профилли бўлиб, ер ҳайдаш, чигит экиш, ғўзани культивация қилиш ва машинада пахта теришнинг уддасидан чиқадиган кишилардир.

Колхозимиз аъзолари бу йил пахта ва бошқа экинлардан мўл ҳосил етиштиришни мўлжаллашмоқда. Пахтакорларимиз Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги шарафига ҳар гектар ердан 50 центнердан ҳосил етиштириш, ялпи ҳосилнинг камида 95 процентини машиналар билан териш, ғаллакорларимиз эса ҳар гектар ердан 40 центнердан арпа, 85 центнердан маккажўхори дони ва 60 центнердан шоли олиш ҳақида сўз беришган. Белгиланган бу юксак марраларни эгаллашда, шубҳасиз, техника ҳал қилувчи роль ўйнайди. Механизаторларимиз ундан самарали фойдаланиш учун ҳамма чораларни кўрмоқдалар.

Ю. ТЎЛАГАНОВ,
Бўка районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхозининг ранси,

М. ПЎЛАТОВ,
партия комитети секретари.

С. ШАРОПОВ,
бош инженер.

---

19 июнь — маҳаллий Советларга сайловлар куни

ЯНГИ САЙЛОВ ОКРУГЛАРИ

Меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советларига сайлов ўтказувчи сайлов округларининг тасвири республика шаҳарлари ва районларининг ҳаритасига туширилди.

Сайлов округлари қанча бўлади? Сайлов кампаниясининг борыши тўғрисида маҳаллий Советларнинг ижроия комитетларидан Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида олинган оператив маълумотлар бундан далолат беради.

Ўзбекистонда ҳаммаси бўлиб маҳаллий Советларга сайлов ўтказувчи 93.433 та сайлов округи тузилди. Бундан икки йил муқаддам ўтган аввалги сайловдагига нисбатан 4.481 округ кўпайди.

19 июнь куни сайланадиган маҳаллий Советлар депутатларининг сафларига шаҳар меҳнаткашларининг 8.838 вакили қўшилади. Ана шу Советларда ваколат нормасининг бирнинча ўсганлигига қарамасдан, уларнинг округлари сони 1975 йилги сайловдагига нисбатан 379 та кўпайди.

Республика газ қазиб чиқариш саноатининг маркази — Газли аҳолиси шаҳар Совети депутатларини биринчи марта сайлайдилар. Келес, Охунбобоев, Китоб, Қўрғонтепа, Нурота, Пахтаобод, Чорток, Шўрчи, Жомбой меҳнаткашлари ҳам биринчи марта ана шундай кувончли ва фахрли вазифани ado этадилар.

Меҳнаткашлар депутатлари қишлоқ, район Советларига сайлов округи тузилди, бу аввалгидан 886 та кўп. Асосан янги суғориладиган ерларда барпо этилган ўн битта янги районнинг меҳнаткашлари ўз Советларини сайлайдилар. Улардан бири Эллиққалъа район Совети дир.

Меҳнаткашлар депутатлари қишлоқ ва овул Советларига сайлов ўтказувчи 60.382 округнинг чегараси аниқлаб чиқилди. Бу соҳада ўзгаришлар айниқса катта — 3.338 та янги округ тузилди. Округлар составининг, бинобарин, қишлоқ ва овул Советлари депутатларининг кўпайишига қишлоқ аҳолисининг сони ўсганлиги туфайли эришилди. Кейинги икки йил мобайнида 46 та янги қишлоқ пайдо бўлганлиги ҳам бунда муайян роль ўйнади. Бу қишлоқларнинг деярли ҳаммаси яқинда янги ўзлаштирилган ерларда қад кўтарди. (ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Ю. Д. ПЛОЩАДНОЙНИ «ЁНҒИННИ ЎЧИРИШДА ЖАСОРАТ КЎРСАТҒАНЛИГИ ЎЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Социалистик мулкни сақлаб қолишда кўрсатган дадиллиги, жасорати ва мардлиги учун СССР Олий Совети Президиуми номидан ички хизмат оддий аскари марҳум Юрий Дмитриевич Площадной «Ёнғинни ўчиришда жасорат кўрсатганлиги учун» медали билан мукофотлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Н. МАТЧОНОВ.
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Ҳ. ПЎЛАТОВА.

1977 йил, 27 апрель.
Тошкент шаҳри.

Оламда нима гап

ДЕҲЛИДА УЧРАШУВЛАР

ДЕҲЛИ. Расмий визит билан Ҳиндистонга келган КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико 26 апрель куни Ҳиндистон Бош министри М. Десаи билан учрашди. А. А. Громико Ҳиндистон Бош министрига КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежневнинг мактубини топширди.

Дўстлик ва ҳамжиҳатлик вазиятида ўтган батафсил суҳбат давомида Совет — Ҳиндистон ҳамкорлиги ва уни янада ривожлантиришнинг энг асосий масалалари, шунингдек бир қанча муҳим халқаро проблемалар муҳокама қилинди.

Ҳар икки томон ўртасида тинчлик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Совет — Ҳиндистон шартномаси негизида ўзаро муносабатларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш йўлига амал қилишга интилишлари изҳор этилди. Томонлар — Совет Иттифоқи билан Ҳиндистон ўртасида ҳамкорлик Осиёда ва бутун дунёда тинчлик ҳамда барқарорликнинг муҳим омили эканлигини назарда тутадилар.

26 апрель куни А. А. Громико билан Ҳиндистон ташқи ишлар министри А. Б. Важпаи Совет — Ҳиндистон муносабатларига доир масалаларни кўриб чиқишди, шунингдек халқаро сиёсатнинг туб проблемалари ҳақида, шу жумладан, Жанубий Осиё қитъасидаги вазият тўғрисида фикрлашиб олдилар.

Дўстона вазиятда олиб борилаётган музокаралар самарали, конструктив руҳда ўтмоқда.

А. Б. Важпаи шу куни А. А. Громико шарафига нонушта-зиёфат берди. Зиёфат вақтида нутқлар сўзланди.

(ТАСС).

МАМЛАКАТНИНГ МУҲИМ ПРОБЛЕМАСИ

ДАККА. (ТАСС). Бангладеш ҳукумати мамлакатнинг миллий бойлиги бўлган ўрмонларни сақлаш ва кўпайтиришнинг олти йиллик программасини маъқуллади. Программада жумладан, дарахтларнинг қимматли турлари кўчатлари етиштириладиган 95 минг акр майдон вужудга келтириш кўзда тутилади. Шунингдек, ўрмон кўчатзорларини кенгайтириш ва ёғоч тайёрлашни рационал уюштириш планлаштирилади. Ҳукумат шу программани амалга ошириш учун 150 миллион така ажратди.

МИСР ГАЗЕТАЛАРИДА СОВЕТЛАРГА ҚАРШИ МАҚОЛАЛАР БОСИЛМОҚДА

ҚОҲИРА, 26 апрель. (ТАСС). Миср матбуотининг бир қанча органлари Совет Иттифоқи сиёсатини, жумладан, Яқин Шарқдаги сиёсатини бузиб ва нодўстона руҳда кўрсатишга уринди, кун сайин Советларга қарши кампания олиб бормоқдалар. Улар шу кампания давомида Исроил ва сионистларнинг доиралари билан боғланган Ғарбнинг турли-туман шубҳали манбаларига асосланмоқдалар. Уларнинг мақсади аён. Улар араб мамлакатларининг империалистик агрессияга қарши ҳаракат бирлигини бўшаштиришга, араб мамлакатларини айрим гуруҳларга парчалаб юборишга, бир араб мамлакатини иккинчи араб мамлакатига қарши қўйишга уринмоқдалар. Бу доиралар араб давлатларининг совет Иттифоқи билан алоқаларига путур етказилишидан манфаатдор эканликларини ҳеч қачон яширмаяптилар. Маълумки, Совет Иттифоқи бутун шу йиллар давомида араб халқларининг Исроил агрессиясига қарши, босиб олинган территорияларнинг озод этилиши учун ҳамишa улар томонида бўлди ва бўлиб келмоқда.

И. БРОЗ ТИТОНИНГ АЙТГАНЛАРИ

БЕЛГРАД, 26 апрель. (ТАСС). Урушдан аввалги даврда ва уруш вақтида вужудга келган коммунистлар билан халқнинг бирлиги ҳозирги ва келгуси авлодга бундан буён ҳам таъсир кўрсатмоғи керак. Коммунистик партия бирлигисиз халқ бирлигининг ҳам бўлиши мумкин эмас. ЮСФР Президенти, ЮКС Раиси И. Броз Тито Словения Коммунистлари союзи Марказий Комитетининг шу республикада Компартия тузилганлигининг 40 йиллигига бағишланган мажлисида нутқ сўзлаб, шу гапларни таъкидлади. Уруш бошларида бизда 12 минг коммунист бор эди, шуларнинг кўплари ҳалок бўлди, деди И. Броз Тито. Улар тўккан қон бекорга кетмади. Улар ўрнига коммунистларнинг янгидан янги авлодлари келди. Ҳозир Югославия Коммунистлари союзида 1,5 миллион киши бор. Бўлар — ҳар қандай душманга қарши курашишга тайёр 1,5 миллион партия жангчиларидир.

Олдимизда жуда катта вазифалар турибди, деб давом қилди И. Броз Тито, бизнинг революция поёнига етказилган эмас, биз социализм қуришда мурод-мақсадларимиз ва амалга оширмоқчи бўлган ишларимизнинг ҳаммасига ҳали эришгунимизча йўқ. Бизнинг йўлимизда ҳали кўп ички ва ташқи душманлар учрайди.

Ҳозирги халқаро вазият ғоятда мураккаб. Биз коммунистлар, зарурати бўлса, урушда эришган ғалабаларимизни ҳимоя қилишга тайёр турмоғимиз керак. Шу курашда қурбон бўлганлар олдида турган бурчимиз ҳам шу. Биз мамлакатимизни қандай қилиб, ҳимоя қилиш кераклигини биламиз. Бугунги кунда биз, деб давом қилди нотиқ, янги авлодни ана шу руҳда тарбияламоғимиз лозим. Тарихимизнинг ҳамма фактлари ва воқеалари ёшларимизга маълум бўлмоғи зарур. Эртанги кунда мамлакатимизда социализмни давом эттириш ва уни ҳимоя қилиш ролини ҳам айни шу ёшлар ўз зиммаларига оладилар. Югославия коммунистлари халқнинг инон-ишончига сазовор бўлдилар. Биз шу ишончни сақлаб қолмоқ учун кураш олиб бормоғимиз керак, деб таъкидлади пировардида И. Броз Тито.

Жаҳон халқлари! Халқаро кескинликни юмшатишни кучайтириш учун, уни турли социал тузумдаги давлатлар ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг конкрет формаларига айлантириш учун курашингиз! Халқлар тинчлиги ва хавфсизлигининг душманлари бўлмиш агрессия, реваншизм ва реакция кучларининг кирдикорларини фош қилингиз!

(КПСС Марказий Комитетининг 1977 йил 1 Май чақириқларидан).

Бенин Халқ Республикаси Мустамлакачилик кишанларини узиб ташлаган Бенин халқи янги ҳаёт қурмоқда. Мамлакатда сиёсий ва иқтисодий соҳада катта ўзгаришлар олиб борилмоқда. Халқ хўжалигининг энг муҳим соҳаларида давлат сектори ташкил этилмоқда. Қишлоқда аграр реформа амалга оширилиб, хўжаликларни кооперативлаштириш ишлари кенг йўлга қўйиляпти. Умумий мажбурий ва бепул таълим жорий этилди. Суратда: қишлоқ мактабларидан бирида дарс пайти.

Н. Баратов фотоси. (ТАСС).

ҒАРБ МАМЛАКАТЛАРИНИНГ ИҚТИСОДИЙ АҲВОЛИ

● СТОКГОЛЬМ

Швеция саноат иттифоқининг яқин икки йил мобайнида мамлакат хўжалигининг ривожланиши истиқболлари тўғрисидаги маълумотларига қараганда, Швециянинг экономикаси ҳозирги вақтда урушдан кейинги бутун давр мобайнида саноат ишлаб чиқаришда энг чуқур ва узоқ давом этган тушкунликни бошидан кечирмоқда. Иттифоқ мутахассисларининг ҳисоблаб чиқишича, бу йил Швецияда саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш даражаси 1974 йилдагидан 3,5 процент кам.

Иқтисодий инқирознинг салбий оқибатлари Швеция меҳнаткашлари турмушига оғир таъсир ўтказади. 1977 йилда нархнаво 11 процент ошиб, ишсизлар мамлакатдаги барча ишчи кучининг 2,5 процентини ташкил этади, деб тахмин қилинмоқда.

● РИМ.

«Умумий бозор» мамлакатлари Италияга яна 500 миллион доллар қарз бергандан кейин Италиянинг чет мамлакатлардан олган қарзи 18,5 миллиард долларга етди. Италия 1977 йилдагина қарз олган мамлакатларга 2,3 миллиард доллар тўлаши керак. 1978 йилда олган қарзларини тўлаш ва қарзлар бўйича процентлар тўлаш учун Италия хазинасидан 4,8 миллиард доллар сарфлаш керак бўлади.

● ЖЕНЕВА

Ғарб мамлакатларида ишсизлик 1980 йилгача юксак даражада қолаверади, деб таъкидланади Халқаро меҳнат ташкилотининг бу ерда эълон қилинган докладида. Маълумки, ҳозир Қўшма Штатларда 10 миллионга яқин, «Умумий бозор»га қўшилган 9 та мамлакатда эса қариб 6 миллион ишсиз бор.

Халқаро меҳнат ташкилотининг докладида капиталистик дунёда саноатга капитал маблағлар сарфлашнинг қисқартирилиши, ишлаб чиқариш қувватларидан тўла фойдаланмаслик, шу билан бирга саноатнинг паст суръатлар билан ўсиши «зарур миқдорда янги иш жойларини яратишга имкон бермайди» деб таъкидланади.

(ТАСС).

ЭФИРНИ ЗАҲАРЛОВЧИЛАР

(Мюнхендан репортаж)

Ҳашаматли «Мерседес» машинасининг эшигини қарс этиб ёпган киши бинога кириш учун катта-катта қадам ташлаб юра бошлади. Унинг ҳомқовоқ ўртиқ кузлари теваракка олазарак қарарди.

Бу одамнинг башараси бизга таниш-дек кўринди. Биз уни газеталардаги фотосуратлар орқали танир эдик. Аммо, узил-кесил ишонч ҳосил қилиш учун ҳозиргина у билан саломлашган аёлдан сўрадик.

— Ҳа, бу киши — Юсуф ўғли жаноблари бўладилар.

Уруш йилларида совет кишиларига қарши ўтказилган қотиллик операцияларида қатнашган собиқ эсэсчи Юсуф ўғли бинога кираверишда ўрнатилган жез лавҳаларга яқинлашди. «Озод Европа радиоси», «Озодлик радиоси» деган сўзлар ёзилганди ўша лавҳаларда.

Биз булсак, шу бинодан, тўғрироғи Мюнхеннинг сокин Эттингенштрассе кўчаси бурчагида жойлашган ва Англия паркига туташган бинолар комплексидан ҳозиргина чиққан эдик.

...Тепа сочлари тушиб кетган, 60 ёшлардаги семиз киши нотаниш келувчиларни одатдагидек гумонсираш билан урганарди — у пойлоқчилик ролини бажарарди. Унинг ёнида ўзига хос коридор-пропуск пункти жойлашган. Столлардаги номерланган бланкларга радиостанция ходимлари бинога кирган ва бинодан чиққан вақтни ёзиб қўйишга мажбурдирлар.

Биз ўзимизни таништиганимизда контроль-пропуск пунктининг ходимлари саросимага тушиб қолишди. Улар кимгадир телефон қоқиб, маълумот беришади, сунгра коридордаги кимнингдир ёнига югуриб бориб, ўша ерда пичирлашиб гаплашишади. Бизнинг гувоҳномаларимиздаги маълумотлар миридан-сиригача махсус бланкка ёзиб олинади. Яна кимларгадир қўнғироқ қилишади, бизданбирпас кутиб туриш илтимос қилишади. Кутар эканмиз, вестибюлга назар ташлаймиз. Сўл тарафдаги ойна ёнида Мюнхен яқинидаги Лампертхеймдан эфирга эшиттириш берувчи передачиларнинг макетларига кўзимиз тушади. Ўнг тарафда ҳам — макетлар, турли-туман кишилар бинога кириб-чиқиб туришибди.

Мюнхендаги машъум «қўрғон»нинг қалин деворлари орасида ишловчи шу кишилар ким ўзи?

Уларнинг бири билан биз юзма-юз учрашдик. У — «татар-бошқирд редакцияси»нинг ходими Юсуф ўғли бўлиб, кейинги йилларда Мюнхен яқинидаги ер участкаларини олиб-сотиш йўли билан бебилиски бойлик орттириб олди. Султон Ғариф деган кимса бошқа бир редакциянинг бошлиғи бўлиб ишлайди. У тилларда достон бўлган Мусо Жалилни қатл этишда қатнашганлиги илгари хабар қилинган эди. Советларга қарши халқ меҳнат иттифоқи ташкилотининг аъзоси Ю. Шлиппе ҳам «Озодлик» радиостанцияси атрофидан аримайди. Ватан хоини Власовнинг собиқ гумаштаси — Зотова тахаллусини олган Митина, собиқ гестапочи Дьяковский ва бошқалар ҳам шу ерда хизмат қилишяпти.

«Кекса авлод» эстафетани Юлия Вишневская, Вадим Белоцерковский, Лев Ройтман, Владимир Матусевич сингари «муносиб ўринбосарлар»га топширмоқда. Бу рўйхатни яна давом эттирса бўлади. «Рус редакцияси»нинг узида 60 га яқин киши ишлаб турибди.

Шу қўпорувчилик марказининг штатлари кенгаймоқда, моддий ва молиявий базаси мустаҳкамланмоқда. АҚШнинг янги ҳукумати «социалистик мамлакатларда инсон ҳуқуқлари бузилмоқда» деган сохта гаплар тезарагида ҳозирги пайтда «Озодлик» ва «Озод Европа» радиостанцияларида «эфирдаги уруш»ни кучайтириб юбордилар, деб таъкидлайди Ғарбий Германияда чиқадиган «Шпигель» журнали.

Гап шундаки, «Озод Европа» кетидан «Озодлик» радиостанциясини америкаликлар 1953 йилда, «совуқ уруш» авжи қизиган бир пайтда ташкил қилган эдилар. Ўша пайтда у «Озодликка чиқиш» радиостанцияси деб аталар ва «Россия халқларини большевизмдан озод қилиш»га ошкора чақирар эди. Сўнгра, Даллеснинг коммунизмга қарши «салиб юриши» барбод бўлгандан кейин станциянинг номини ҳам, иш методларини ҳам ўзгартиришга тўғри келди. Ғиж-ғижловчи чақириқлар ўрнини зўр бериб олиб борилаётган қўпорувчилик пропагандаси олди. «Озодлик»нинг қароргоҳи Нью-Йоркда бўлса ҳам, радиостанциянинг ўзи Мюнхенга жойлашган.

1971 йилдаёқ «Озодлик» ва «Озод Европа» радиостанциялари Ғарб матбуотида АҚШнинг маҳфий маҳкамаси — Марказий разведка бошқармаси қўпорувчилик фаолиятининг қуроллари эканлиги фош қилинган эди. Кейинчалик, кўзни чалғитиш мақсадида, иккала радиостанциянинг фаолияти учун масъулият расмий равишда АҚШ давлат департаменти зиммасига юклаб қўйилди. Унинг ишига эса Марказий разведка бошқармаси хизматидаги Роберт Редлих, Жорж Перри, Дитер Дорнан сингари кишилар, АҚШнинг Москвадаги собиқ «дипломати», дипломатияга мутлақо алоқасиз ишлари учун СССРдан ҳайдаб юборилган Жон Лодейзен бевосита раҳбарлик қилмоқдалар.

Биз Мюнхенга йўл олишдан аввал узоқ вақт «Озодлик» радиостанциясининг штатдаги ходими бўлиб ишлаган ва ана шу антисовет марказнинг ижр-чиқирини яхши биладиган одам билан Франкфурт-Майнда суҳбатлашган эдик. Бу одам эфирга Михайлова тахаллуси билан чиқадиган Майя Гриневская эди. У «Озодлик» радиостанциясида Умумевропа кенгашининг якунловчи даврида, шунингдек Хельсинкидаги Якунловчи акт имзоланганидан кейинги даврда ишлаган эди. Бу аёл қуйидагиларни гапириб берди:

«Рус редакцияси»нинг раҳбари Жон Лодейзен: биз радиостанция фаолиятининг сиёсий йўналишини жуда пухта ниқоблашимиз лозим. Бизнинг эшиттиришларимиз Совет Иттифоқида пинхона оқимларнинг вужудга келишига кўмаклашадиган бўлсин, биз тўғри чизиқ бўйлаб эмас, балки айланма йўллар билан ҳаракат қилишимиз керак, деб доимо уқтирарди. Радиостанция ходимлари шу кўрсатмаларни ҳисобга олиб, эшиттиришларни қандайдир «ахборот характери»да ўтказишга интиладилар.

...Биз радиостанция вестибюлида чорак соат кутиб турдик. Шу пайт бизнинг ҳузуримизга икки киши юриб эмас, балки чопиб чиқди. Оч жигарранг катак камзулдаги бўйи пастроқ киши биздан шошa-пиша:

— Сизлар ТАСС мухбирларимисиз? — деб сўради.

Шундан кейин у ўзини таништди:

— Редлих.

Унинг ёнидаги кўзойнакли новча киши:

— Мэхони, — деди ғуддираб.

— Салом, — дедик биз русчалаб. — Қайси тилда гаплашамиз?

— Немисча гаплашсак, ўйлайманки сизлар шу тилда бемалол гаплаша оласизлар, — деди Редлих. У америкача талаффузи сезилиб турса ҳам, дурустгина немисча гапирарди.

— Совет Иттифоқига эшиттириш берадиган радиостанция ходимлари наҳотки рус тилини билишлари лозим бўлмаса?

— Керак пайтда бизга таржима қилиб беришади, — деди зарда билан Редлих.

— Нима истайсизлар? — деди сабрсизланиб Редлих.

— «Озодлик» радиостанциясининг раҳбарларидан бирига бир неча савол бермоқчимиз.

— Сизларнинг ҳузурингизга чиқишдан аввал совет журналистлари билан бўлган илгариги суҳбатларнинг протоколларини варақлаб кўрдим. Менинг гапларимдан нотўғри цитата келтиришган. Энди бошқа бирон гапга ҳожат бормикан, — Редлих шу гапни айтдию, башараси қизариб кетди.

— Биз айни сиз билан суҳбатлашишни талаб қиладиганимиз йўқ, — дедик биз гапимизга аниқлик киритиб.

— Мен — иккала радиостанциянинг расмий вакилиман, — биз сизларни қабул қилишдан бош тортишимизни билдиришга вакил қилинганман.

Редлих ва унинг ёнидаги кимса шошa-пиша биздан узоқлашишди. Совет журналистлари билан учрашув уларга ёқмаслиги равшан кўриниб турарди.

Ғарбий Германияда чиқадиган «Блеттер фюр дойче унд интернационале политик» журнали Мюнхендаги радиостанцияларнинг ҳозирги фаолиятини шарҳлаб, уларнинг «вазифалари аввалгича: социалистик мамлакатларга қарши пропаганда, жосуслик ва қўпорувчилик фаолиятидан нборатлигича қолмоқда, деб ёзди. Аммо буларнинг ҳаммаси халқаро ҳуқуқни, БМТ Уставини, Умумевропа кенгашида қабул қилинган аҳдномаларни қўпол равишда бузишдан бошқа нарса эмаслиги равшан-ку, ахир?

Ана шу фактларнинг ҳаммаси муносабати билан «Озодлик» ва «Озод Европа» радиостанцияларининг радиоэшиттириш олиб бориш ҳуқуқини берадиган лицензияларни, бинолар ва ер участкаларини ижарага бериш шартномаларини мунтазам равишда узайтириб келаётган расмий Боннинг позицияси кишини таажжубга солади. ГФРнинг серғаф фикрдаги сиёсий арбоблари бундай аҳволга тоқат қилиб бўлмаслигини бевосита айтмоқдалар. Масалан, Германия социал-демократик партиясидан бундестагга сайланган депутат Карл-Гейнц Ханзен биз билан суҳбатда: мен ГФР территориясида мазкур радиостанциялар жойлаштирилишига қаршиман, деди. Нега? Уларнинг ҳар иккаласини, деди депутат, АҚШ пул билан таъминлаб турибди. ГФР эса эшиттиришларнинг мазмунига зигирча ҳам таъсир ўтказа олмайди. «Бу эса, ГФР суверенитети чекланишини билдиради», деди К.-Г. Ханзен. Ҳақ гап. Ғарбий Германиянинг таниқли ёзувчиси ва публицисти Курт Хирш ҳам радиостанциялар фаолиятининг қонунга хилоф эканлигини уқтирди. Бизнинг конституциямизга «Халқларнинг бирганиқдаги тинч ҳаётини бузадиган ва шу мақсадда қилинадиган ҳаракатлар... қонунга хилофдир. Бундай ҳаракатлар учун жазо берилиши лозим», деган сўзлар очиқ равшан ёзиб қўйилган, деди у.

В. ВИНОГРАДОВ,
А. УРБАН.
(ТАСС мухбирлари).

К. Станиславский номидаги Қорақалпоқ давлат музикали драма ва комедия театри репертуари яна бир янги асар ҳисобига бойиди. Узбекистон ССР халқ артисти Н. Ансатбоев Бошқирдистон АССР халқ шоири, СССР давлат мукофотининг лауреати Мустай Карим пьесаси асосида «Ой тутилган тунда» спектаклини муваффақиятли саҳналаштирди. Асардаги асосий ролларни театрнинг етакчи санъаткорлари ижро этмоқдалар. Суратда: «Ой тутилган тунда» спектаклидан саҳналар.

Р. Сандов фотоси.

АХБОРОТ
ЯНГИЛИКЛАР, ВОҚЕАЛАР

ИШЧИ КОЛЛЕКТИВЛАРИДА

ТРАКТОРСОЗЛИК

ЯНГИЛИК ШАРОФАТИ

Шу пайтгача тракторлар турли рангда чиқарилиб, бу — корхоналар фаолиятини мураккаблаштрарди. Мамлакат тракторсозлари ҳамма учун мақбул бўлган рангни топиш ва қўллаш учун узоқ вақт изландилар. Стандартлаштириш хизмати ходимлари, олимлар, конструкторлар билан яқин алоқада бўлдилар. Ниҳоят, Тошкент тракторсозлари қўллаётган ҳаво ранг лак-бўёқ сифатини ошириб, ишлаб чиқаришнинг ҳамма жараёнида фойдаланишга қарор қилинди.

Хўш, бунинг аҳамияти нимада? Янги усул, биринчидан, лак-бўёқ маҳсулотлари ташиш ва сақлашни анча енгиллаштиради. Иккинчидан, стандарт конструкторлик ҳужжатларида қоплама турини кўрсатишни талаб қилади. Учинчидан, мазкур янгилик фақат Тошкент заводининг ўзига бир йилда 80 минг сўм иқтисодий фойда беради.

М. ПИСКУНОВ.

ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ

УЧ ЯРИМ ЙИЛДА

Каттақўрғондаги В. В. Куйбишев номли ёғ-мой комбинатининг Н. Муҳамадиев бошлиқ ёғ қадоқлаш цехи коллективи ўнинчи беш йиллик топшириқларини 3,5 йилда бажариш мажбуриятини олган. Аҳдига вафодор цех ишчилари сўзлари устидан чиқиш учун фидокорона меҳнат намунасини кўрсатиб, ойлик планларни 115-120 процентга етказиб бажармоқдалар. Ҳозир ёғ қадокловчиларнинг меҳнат календарида — июнь ойи!

Шу кунларда ишлаб чиқариш самарадорлигини ва маҳсулот сифатини яхшилаш учун цехни техникавий қайта қуроллантиришга қизғин тайёргарлик кўрилябти. Шиша идишлар ювадиган машиналар, озгини бекитадиган автомат, штамповка дастгоҳлари янгиланади.

Н. РАҲИМОВА.

ТРАНСПОРТ

ПЛАНГА ҚЎШИМЧА

Фарғонадаги 9-автобаза коллективи самарадорлик ва сифатни оширишнинг муҳим шартларидан бири — бригада методини қўлланишга ўтди. Мазкур усул ҳар бир ҳайдовчидан графикка қатъий амал қилишни, мусобақанинг янги шаклларини қидириб топишни талаб этади.

Бригада методи ўз самарасини бермоқда. Транспортчилар ўтган йили пландан ташқари қариб 810 минг йўловчи ташиб, 60 минг сўмга яқин фойда кўрдилар. Шу йилнинг биринчи кварталида топшириғи ҳам ошириб уддаланди. Автопарктан фойдаланиш коэффициенти 0,3 процент ошди.

И. БЕКМАМБЕТОВ.

* * *

Шунингдек, наманганлик Т. Сулаймонов, К. Бекмирзаев, Қ. Тўраев, самарқандлик Т. Сориев, тошкентлик Р. Умаров, М. Тошматов, А. Самиғов, қашқадарёлик Х. Сопихов, владимирлик Б. Логинов, фарғоналик Р. Алиев, С. Сахобов, бухоролик Ю. Авезов, Д. Турсунов, хоразмлик Ж. Султонов, сурхондарёлик П. Бухоров, андижонлик Б. Алиев, М. Норматов ўртоқлар ҳам саноат корхоналари, қурилиш ва транспорт ташкилотларидан турли мавзуда ана шундай мазмунда хат-хабарлар йўллашган.

ФАН ЮТУҚЛАРИ — ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА

«МЕҲНАТ»— РОҲАТ

РЕПОРТАЖ

Аввалари пахта тозалаш саноатида асосий иш қўл кучи билан бажариларди. Меҳнат унумдорлиги, маҳсулот сифати паст, цехлар ҳавоси ифлос ва станокларни ишлатиш ноқулай эди. Инженер конструкторларнинг тинимсиз изланишлари натижасида қатор мураккаб жараёнлар автоматлаштирилди. Пахта тозалаш машиналарининг замонавий, юксак ишлаб чиқариш самарадорлигига эга бўлган янги турлари яратилди ва яратилмоқда.

«Узбекхлопкомаш» бирлашмаси Бош корхонаси ишчи-хизматчилари билан пахта тозалаш ускуналари Давлат махсус конструкторлик бюроси инженер-конструкторларининг ўзаро ҳамкорлиги яхши натижалар бермоқда.

Корхона цехларида янги пахта тозалаш машиналарини йиғиш бошланди. Конструкторлар бу ускунани «Меҳнат» деб атадилар.

Корхона бош инженери Б. Р. Сандлер билан йиғув цехини «Меҳнат-2» деб атадик, у эскиларининг ижобий томонларини ўзида мужассамлаштирган, айрим механизмлари такомиллаштирилган тури. «Меҳнат»нинг биринчи ЧХ-3М1 маркадагиси юксак меҳнат унумдорлигига эга бўлса-да, тозалагичдан чиққан чанг цех ҳавосини бир оз бузарди, ускунанинг ўзи ҳам катта ҳажмдаги жойни эгалларди.

Биз янги машинани яратаётганимизда иложи борича чангни тозалагичнинг ўзидаёқ унификациялаш, яъни чанг сўрғич барабанлар ёрдамида йўқ қилиш устида бош қотирдик. Узоқ изланишлар ўз натижасини берди. Машинага чанг сўрувчи барабанни ўрнатдик. Айрим иш органларининг бахридан воз кечишга тўғри келди. Шу сабабли тозалагич барабаннинг ихчам, қулай формасини ўрнатиш, бунинг ҳисобига мотор тезлигини оширишга эришдик. «Меҳнат-2» соатига беш тонна, аввалгисига нисбатан икки баравар кўп пахта тозалайди. Янги ускунани яратишда инженер-конструкторларимиздан В. И. Левковская, Н. А. Кригина катта ҳисса қўшдилар.

«Меҳнат-2»нинг яна бир техник афзаллиги шундаки, машина ингичка толали пахтани ҳам сифатли тозалайди. Ускунанинг «душидан» чиққан пахтанинг сифати яхши бўлса борки, аммо паст эмас.

«Меҳнат-2»нинг дастлабки синовлари Фарғона, Термиз, Каттақўрғон пахта тозалаш заводларида ўтди. Натижа кутилганидан ҳам зиёда чикди. Давлат синов комиссияси уни юқори баҳолади. Машинанинг бор «истеъдоди» ва «қобилияти» Термиз пахта тозалаш заводида намоён бўлди. Бу ерда ингичка толали пахта ускунада тозаланди. Комиссия аъзолари ингичка толали пахтани тозалашда бу машинани қўлланиши мумкинлигини эътироф этдилар.

«Меҳнат»нинг аввалгиларига нисбатан афзаллигини Фарғона пахта тозалаш заводи бош инженери И. К. Умрихиннинг қуйидаги фикридан ҳам билиш мумкин: — «Меҳнат» — рохат экан. Аввалги ускуналар олтита, саккизта бўлиб цехда кўп жойни эгаллар, цехлар ҳавосибир оз чанг бўларди. Биз аввал бир цехни қайта реконструкция қилдик. Олтита эскисининг ўрнига уч тўрт янги ускуна ўрнатдик. Иқтисодий самара кескин ошди. Цехлар кенг, муҳими, ҳавоси покиза. Янги пахта тозалаш машинаси бир йилда беш минг сўмни иқтисод қилиш имкониятини беради.

Ўзбекистонда ҳамма пахтакор! Хоҳ ишчи, хоҳ олим, хоҳ инженер бўлсин, унинг қалби толеимиздек оппок «ок олтин»ишқи билан йўғрилган. Завод цехларида, илмий лабораторияларда деҳқонлар учун, уларнинг сермашққат юмушини осонлаштириш мақсадида катта изланишлар олиб борилмоқда. Пахта тозалаш ускуналари Давлат махсус конструкторлик бюроси инженер-конструкторлари янада мукаммал ускуналар яратиш борасида қизиқарли тадқиқотлар ўтказмоқдалар.

М. МИРРАЖАБОВ.

СПОРТ

ВОЛЕЙБОЛ

Свердловск шаҳрида олий лига командалари ўртасида мамлакат чемпионлиги учун кураш давом этмоқда. Кучли саккиз коллектив пешқадамлик учун ўзаро куч синашяпти. Тошкентнинг «Автомобилист» командаси қизлари бу ердаги учрашувларда бироз суст кашлик қилдилар. Чунончи, беш учрашувдан утгасини бой бериб, икки ўйинда устун келдилар, холос.

СУВ ТУПИ

Минск шаҳрида олий лига командалари мамлакат чемпионатининг иккинчи давра биринчи тур ўйинларини давом эттирмоқдалар. Бу ерда куч синашаётган Тошкентнинг «Меҳнат» командаси ватерполчилари ЦСК ВМФ денгизчиларига (4:7) имкониятни бой бериб, Харьковнинг «Локомотив» (3:3) ва Олмаотанинг «Динамо» (7:7) командалари билан ўйинда очколарни баҳам кўрдилар.

ХОККЕЙ

Венада шайбали хоккей бўйича жаҳон чемпионати баҳслари тобора қизғин тус олмоқда. Чемпионлик номи учун курашувчи тўрт команда ҳам сараланиб қолди. Иирик ҳисобда галаба қилиб, даравозаларни аниқ нишонга олишда совет хоккейчилари маҳорат кўрсатяптилар. Хоккейчиларимиз бугунгача жами 50 та шайба киритиб, бор йўғи 8 та шайбани ўтказиб юборишдилар. СССР терма командаси қатори швецияликлар хоккейчилар ҳам ҳозирча учрашувларни музаффаҳиятли давом эттириб, саккиз очкога эга бўлиб туришибди. Жаҳон чемпионлари — ЧССР командаси хоккейчиларининг бу йил омадлари юришмаяпти. Чемпионлар навбатдаги учрашувни канадалик хоккейчилар билан ўтказиб (3:3), очколарни баҳам кўрдилар. Тўртинчи ўринни эгаллаб турган АҚШ командаси эса, галдаги ўйинни Финляндия хоккейчилари билан ўтказиб (3:2), қимматли қўш очкони қўлга киритди. Ўйинлар жадвали қуйидагича манзара олган:

	Ю	Д	М	Ш	О
СССР	4	0	0	50—8	8
Швеция	4	0	0	24—5	8
ЧССР	3	1	0	36—10	7
АҚШ	2	1	1	14—11	5
Канада	1	1	2	10—19	3
ГФР	0	1	3	7—29	1
Финляндия	0	0	4	12—30	0
Румния	0	0	4	5—46	0

Бугун Швеция — АҚШ ва ЧССР — СССР командалари майдонга тушадилар.

ОДАМИЙЛИК ВА ОДОБ МАВЗУИДА

ИНСОН ХОТИРАСИ АЗИЗ

Кўҳна Хоразм воҳаси. Кўзни қамаштирувчи, сержило обидалар ўлкаси... Бу юрт тарихида шундай даврлар бўлганки, ўн йиллар, ҳатто юз йиллар мобайнида ундан на инсонга, на тарихга бирор эзгу ном қолган. Инсон чор-ночор, умр-ҳазон, кулбалар ғариб, давр — бешафқат эди. Кора чирок, минг ямок чопон, бўз яктак, эски чорик, омоч, чарх...

Улуғ Октябрь туфайли ҳаёт гулга, шаҳар ва қишлоқлар гулзорга айланди. Инсон қадр топди, эъзозланди. Хоразмнинг ҳозирги қишлоқлари — қишлоқ эмас, шаҳарнинг бир бўлаги. Равон йўллар, гулзорлар, шоҳона клублар, кинотеатр, медпункт, мактаб ва болалар боғчалари. Совет ҳокимияти шарофати, буюк Октябрь ғўдуси туфайли вужудга келган бундай фаровонлик, дориламонлик, инсонийликни қадимий воҳанинг ҳамма жойида учратиш мумкин.

Хонқа районидаги Ленин орденли Охунбобоев номли колхозда бўлдик. Колхоз правлениесининг раиси Аҳмаджон Юсупов ҳамиша янгиликка интилади. Юрагидаги гапларни бўрттирмай маромида айтади. Унинг хатти-ҳаракатидан оддийлиги, камтарлиги, энг қуйи ночлиси — одамийлиги шундок сезилиб туради.

— Агар инсон астойдил интилса, тогни талқон қилади, иложи бўлмаган ишнинг уддасидан чиқади. Узоқ эмас, тўрт-беш йил аввал қишлоғимизда маданият саройи йўқ эди. Буни қурдик. Колхоз музейи, кутубхона, чойхона, маиший хизмат комбинати ишга туширилди. Хонадонларга табиий газ, водопровод, электр энергия олиб кирилди. Бир куни колхоз тузумининг вестеранлари, қишлоқ улуғлари энди қабристонни ҳам ободонлаштирсак, деб қолишди. Чунки у обод қишлоқ орасида хароб бўлиб ётарди. Бу ташаббусни колхозчилар бир овоздан қўллаб-қувватлаб, эзгулик ишига зарур миқдорда маблағ ажратишди. Тегишли ташкилотлар билан бамаслаҳат бу ишни ҳам бажардик...

Колхознинг Сарапоён қишлоғидаги қабристонга бордик. У темир панжара билан ўралган. Гуллар ва хиёбонлар бунёд этилган. Йўлаклар асфальтланган. Нарирокда қад кўтарган шинам бино эътиборимизни тортди. Кенг, ёруғ хона—дафн маросими зали. Маросимни ўтказиш бўйича Низом дев ор га осиб қўйилган. Кўзга кўринарли жойларда «Мардлик мангулик», «Эл учун яшаган умр—муқаддас», «Инсон хотираси—азиз» каби ибратомуз сўзлар битилган. Навоий, Жомий, Бобир ва бошқа буюк сиймоларнинг инсонийлик, эзгулик нинг боқийлиги тўғрисидаги пурҳикмат сатрларини ўқийсиз. Шунингдек, она-Ватан, халқ хизматида катта обрў-эззат топган қишлоқларда Совет ҳокимиятини мустаҳкамлашда, Улуғ Ватан урушида актив қатнашган кишиларнинг меҳнат фаолиятини характерловчи мухтасар ёзувлар ҳам бор.

Бу ерда қабр тоши, мармар плита тайёрлайдиган цех ишга туширилган. Бу тадбир мармар лавҳага колхоз эъзосининг (марҳумнинг) туғилган ва вафот қилган вакти, у ҳақда қисқача маълумот ёзиб қўйишга имкон беради. Қишлоқ аҳли бу инсонпарварлик ва қулайликдан ғоят мамнун бўлмоқда.

Яхши ташаббус, ҳайрли ишнинг қаноти бўлади, тез ёйилади. Кейинги йилларда Хоразм областида хутор типидаги майда қишлоқларни қайта қуриш, шинам посёлкалар қатори қабристонларни ҳам обод қилиш соҳасида бирмунча ишлар қилинди.

Булар яхши албатта. Аммо, областнинг ҳамма жойида ҳам бу ҳайрли ишга етарлича эътибор берилаётир, деб бўлмайди. Баъзан ўтмишдан саркит бўлиб қолган эски гўшунчалар туфайли хароба, кўримсиз, шўр босиб ётган қабристонлар чароғон ва обод қишлоқларимиз қиёфасига доғ бўлиб турибди. Уларни обод қилиш — одамийлик, инсон хотирасини эъзоблаш демакдир. Бу гуркираб ўсиб бораётган турмушимиз тақозосидир.

Хива районидаги Огаҳий номли колхоз ва Шовот районидаги Бўйрачи қишлоғи территориясидаги қабристонлар ҳозирча обод қилинмаганлиги ажабланарли бир ҳол.

Инсонийлик, ўзаро дўстлик, ҳамкиҳат ва ҳамкорлик совет кишиларининг юксак фазилатидир. Қишлоқ қабристонларини обод қилиш — одамийлик, инсонпарварлик тақозосидир. Жамоат ташкилотлари бу масалага оқилона ёндашишлари, инсон хотирасини эъзоблашдек яхши анъанани турмушимизга изчиллик билан сингдириб боришлари лозим.

Т. НАЗИРОВ, Ф. ЗОҲИДОВ, «Совет Узбекистони» махсус мухбирлари.

Д. Ф. ЖУКОВ

1919 йилдан буён КПСС аъзоси, гражданлар уруши ва Улуғ Ватан урушининг ветерани, республика аҳамиятига молик шахсий пенсионер, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти фалсафа кафедрасининг доценти Дмитрий Филиппович Жуков 78 ёшида вафот этди.

Д. Ф. Жуков 1899 йилда Пенза областининг Оторма қишлоғида хизматчи оиласида туғилди. 1935 йилда Я. М. Свердлов номли Бутуниттифоқ коммунистик университетини тамомлаб чиқди.

Дмитрий Филиппович меҳнат фаолиятини 16 ёшидан Чоржўй темир-йўл станциясининг телеграфчиси вазифасидан бошлаб, революцион ҳаракатда, гражданлар урушида, босмачилар ва қулоқларга қарши олиб борилган жангларда актив қатнашади. 1919 йилда Коммунистик партия сафига кирганидан кейин Дмитрий Филиппповичнинг бутун ҳаёти партиянинг халқ озодлиги ва бахт-саодати учун, социализм ва коммунизм тантанаси учун олиб борган кураши билан чамбарчас боғланган эди.

Дмитрий Филиппович 1911 йилгача Бухорода, Самарқандда партия ишларида, Узбекистон КП(б) Марказий Комитети инструктори бўлди. 1941 йилдан 1947 йилгача Улуғ Ватан урушида қатнашди ва Совет Армияси сафларида сиёсий ходим бўлиб хизмат қилди. 1947 йилдан эътиборан Дмитрий Филиппович Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти фалсафа кафедрасининг мудири, шундан кейин эса доценти бўлиб ишлади.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати Дмитрий Филиппповичнинг хизматларига муносиб баҳо бердилар. У икки марта «Қизил Юлдуз» ордени ва медаллар билан мукофотланди.

Партия ва халқнинг содиқ фарзанди ажойиб инсон, истеъдодли педагог Дмитрий Филиппович Жуковнинг ёркин хотираси қалбимизда ҳамиша сақланиб қолади.

БИР ГРУППА ЎРТОҚЛАРИ.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

Реклама ВА ЭЪЛОНЛАР

СССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг
ЎРТА ОСИЁ МЕДИЦИНА ПЕДИАТРИЯ ИНСТИТУТИ
ВАКАНТ ВАЗИФАЛАРГА

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

кафедра мудирлари: факультет терапияси, госпиталь хирургияси, туберкулёз ва болалар туберкулёзи;

кафедра доцентлари: сиёсий иқтисод, факультет педиатрияси, физиотерапия: 2-госпиталь педиатрияси, 3-госпиталь педиатрияси;

кафедра ассистентлари: 6 курс учун госпиталь педиатрияси (7 ўрин), болалар хирургияси (6), 6 курс учун болалар юқумли касалликлари, асаб касалликлари (4), госпиталь терапияси, факультет терапияси (3). 5 курс учун болалар юқумли касалликлари, факультет педиатрияси, социал гигиена ва соғлиқни сақлашни ташкил этиш, госпиталь хирургияси, ички касалликлар пропедевтикаси (2), нормаль анатомия, даволаш физкультураси, органик ва физиаллоид химия, нормаль физиология, патологик анатомия, рентгенология ва радиология, кўз касалликлари, акушерлик ва гинекология, болалар касалликлари пропедевтикаси, юқумли касалликлар, факультет хирургияси, психиатрия, топографик анатомия билан оператив хирургия (ярим ставка);

КАФЕДРА ЎҚИТУВЧИЛАРИ: фалсафа, ноорганик химия (2), КПСС тарихи, илмий коммунизм, рус тили, физика, совет ҳуқуқи бўйича, сиёсий иқтисод.

КОНКУРС МУДДАТИ — ЭЪЛОН ЧИҚҚАН КУНДАН БОШЛАБ БИР ОЙ.

Мурожаат учун адрес: 700140, Тошкент шаҳри, Чермет кўчаси, 103-уй.

•

НИЗОМИЙ НОМЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

1977—78 ўқув йили учун

ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА
СИРТҚИ БЎЛИМГА

СТУДЕНТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўзбек, рус ва қозоқ тилларида ўқиш учун: **ОНА ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ;**

ўзбек ва рус тилларида ўқиш учун: **МАТЕМАТИКА, УМУМИЙ ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ВА МЕҲНАТ, БИОЛОГИЯ, ГЕОГРАФИЯ, ТАРИХ, ЧИЗМАЧИЛИК ВА РАСМ, БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ МЕТОДИКАСИ, ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯ** (мактабгача), **ДЕФЕКТОЛОГИЯ** (олигофренопедагогика);

рус тилида ўқиш учун: **ДЕФЕКТОЛОГИЯ** (сурдопедагогика);

ўзбек тилида ўқиш учун: **КУЙ ВА АШУЛА.**

СИРТҚИ БЎЛИМГА УРТА МАЪЛУМОТЛИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Институтга кирувчилар ректор номига ёзилган ариза билан қуйидаги ҳужжатларни қўшиб топширадилар: ўрта маълумоти тўғрисидаги ҳужжат (асли), корхона ёки муассаса, маъмурияти томонидан тасдиқланган характеристика, меҳнат дафтарчасидан кўчирма, 286-формадаги медицина справкаси, 3x4 см ҳажмдаги 4 дона фотосурат.

КИРУВЧИЛАР ҚУЙИДАГИ КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИНИ ТОПШИРАДИЛАР:

она тили ва адабиёти, тарих мутахассисликлари бўйича кирувчилар — **ОНА ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ** (ёзма ва оғзаки), **СССР ТАРИХИ** (оғзаки), **ЧЕТ ТИЛИ** (оғзаки);

математика, умумий техника фанлари ва меҳнат мутахассисликлари бўйича кирувчилар — **МАТЕМАТИКА** (ёзма ва оғзаки), **ФИЗИКА** (оғзаки), **ОНА ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ** (ёзма);

биология мутахассислиги бўйича кирувчилар — **БИОЛОГИЯ** (оғзаки), **ФИЗИКА** (оғзаки), **ХИМИЯ** (оғзаки), **ОНА ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ** (ёзма);

география мутахассислиги бўйича кирувчилар — **ГЕОГРАФИЯ** (оғзаки), **МАТЕМАТИКА** (оғзаки), **СССР ТАРИХИ** (оғзаки), **ОНА ТИЛИ** (ёзма);

чизмачилик ва расм мутахассислиги бўйича кирувчилар— **ЧИЗМАЧИЛИК, РАСМ, МАТЕМАТИКА** (оғзаки), **ФИЗИКА** (оғзаки) **ОНА ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ** (ёзма), бошланғич таълим методикаси мутахассислиги бўйича кирувчилар — **МАТЕМАТИКА** (оғзаки), **СССР ТАРИХИ** (оғзаки), **ОНА ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ** (ёзма ва оғзаки);

педагогика ва психология (мактабгача) ва дефектология (олигофренопедагогика), сурдопедагогика мутахассисликлари бўйича кирувчилар — **БИОЛОГИЯ** (оғзаки), **ОНА ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ** (ёзма ва оғзаки), **СССР ТАРИХИ** (оғзаки);

куй ва ашула мутахассисликлари бўйича кирувчилар — **ТАНЛАГАН МУТАХАССИСЛИК БЎЙИЧА, ОНА ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ** (ёзма ва оғзаки), **СССР ТАРИХИ** (оғзаки).

АРИЗА ВА ҲУЖЖАТЛАР— 30 МАЙГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ — 1-20 ИЮНЬ КУНЛАРИ ЎТКАЗИЛАДИ.

Мурожаат учун адрес. 700064, Тошкент шаҳри — 64, Педагогика кўчаси, 103-уй. Сиртқи бўлим қабул комиссияси.

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 29/IV да **Корсар.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА 28/IV да Навоий **Астрабодда**, 29/IV да **Йиллар ўтиб**, 30/IV да **Гулбаҳор қани?**

Кино

САНЪАТ САРОЙИ — **Воситачини ўлдир** (катта зал), **Есения** (кичик зал, кундуз ва кечқурун).

Воситачини ўлдир — «ЧАЙКА» (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45), «ҚОЗОГИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Тонгдаги қочиш — «УЗБЕКИСТОН» (юқуфт соатларда), «МИР» (кундуз ва кечқурун).

Узбекистон ССР Юстиция министрлигининг
Х. С. СУЛАЙМОНОВА НОМЛИ ТОШКЕНТ СУД-ЭКСПЕРТИЗАСИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Суд-экология экспертизаси сектори мудири (химия фанлари кандидати);

катта илмий ходим (фан кандидати, атроф муҳитни муҳофаза қилиш проблемаси бўйича мутахассис);

катта илмий ходим (химия фанлари кандидати, толали материаллар бўйича мутахассис);

лабораторияларнинг кичик илмий ходимлари: суд баллистика ва трасологик экспертиза (юрист), материаллар ва моддаларнинг криминалистик экспертизаси (хроматография, толали материаллар бўйича мутахассислар; физик-оптик).

КОНКУРС МУДДАТИ — 20 МАЙГАЧА.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Чилонзор кўчаси, 29-уй.

Л. М. ИСАЕВ НОМЛИ ЎЗБЕКИСТОН МЕДИЦИНА-ПАРАЗИТОЛОГИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
вакант вазифаларга лабораториялар бўйича

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

катта илмий ходимлар: экспериментал гельминтологияда (медицина фанлари кандидати ёки биология фанлари кандидати); экспериментал протозоология (медицина фанлари кандидати — иммунолог);

кичик илмий ходимлар: гельминтозлар эпидемиологияси бўлими (медицина фанлари кандидатлари ёки врачлар — 2 ўрин), клиника бўлими (медицина фанлари кандидати ёки терапевт-врач), экспериментал протозоология лабораторияси (медицина фанлари кандидати ёки врач);

медицина паразитологияси бўйича клиник ординатор (терапевт — врач педиатор).

КОНКУРС МУДДАТИ — 13 МАЙГАЧА.

Мурожаат учун адрес: 703005, Самарқанд шаҳри, Л. М. Исаев кўчаси, 38-уй.

Тошкент Тўқимачилик ва енгил саноат институти ректорати, партия комитети ва жамоат ташкилотлари институт доценти, 1919 йилдан буён КПСС аъзоси, республика миқёсидаги шахсий пенсионер

Дмитрий Филиппович ЖУКОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қиладилар.

Узбекистон ССР Ички ишлар министрлиги министрлик ходими М. А. Пўлдошевга онаси

Хосиятхон ҲОЛДОРОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

10.00 — **Янгиликлар.** 10.10 — Гимнастика. 10.30 — **Олий мақсад сари** (бадиий фильм, 1-серия). 11.50 — Бизнинг биография — 1942 йил. 16.00 — Ҳужжатли фильмлар. 16.45 — Жонажон мамлакатимиз бўйлаб. Литва ССР. 17.15 — Шахматлар мактаби. 17.45 — «Жилолар». 18.15 — Ёш бадиий ўқиш усталарининг конкурси. 19.00 — **Янгиликлар.** 19.15 — **Мультфильм.** 19.20 — **Миллионлар ленинча университети.** 19.50 — Концерт. 20.45 — **Олий мақсад сари** (бадиий фильм, 2-серия). 22.00 — **«Вақт».** 22.30 — СССР халқ артисти, композитор В. Соловьев-Седой иштирокидаги кеча. 23.55 — **Янгиликлар.**

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — Жамиятшунослик. 12.00 — «Малишок» 12.30 — Жамиятшунослик. 13.00 — Шеъриятдан мухлисларига. 18.25 — Мультфильм. 18.35 — Сиҳат-саломатлик. 19.15 — **«Ешлик».** 19.45 — **Ахборот.** 20.00 — **«Дўстлик экрани».** 21.00 — **Ахборот.** 21.20 — Гулшод Отабоева куйлайди. 21.50 — Ҳужжатли фильм. 22.00 — **«Вақт»** (Москва). 22.30 — **«Узбекистон чорвадори».** 22.45 — «Скапеннинг ҳийласи» (бадиий фильм).

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.05— Болалар учун фильм. 19.15 — **Елгиз ўзи қувлади** (бадиий фильм, 1-серия). 20.40 — **Янгиликлар.** 22.55 — Ҳужжатли фильм. 21.05 — Эстрада концерти. 21.35 — Олий ўқув юртида меҳнатни илмий асосда ташкил этиш.

Радио

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Узбекистон радиосининг марказий ансамбли ижро этади. 9.30 — **Экран куйлари.** 11.15 — «Ҳаридорлар хизматида». 12.10 — **«Узбекистон ишчиси».** 13.00 — Самарадорлик ва сифат учун. 13.30 — Оперетталар мавзуларига ёзилган фантазиялар. 14.00 — **Ингичка толали пахтачиликни ривожлантириш истиқболлари.** 15.10 **Иттифоқчи республикалар радиофестивали. Эфирда Молдавия ССР.** 19.00 — Болалар ва оила-оналар учун имтиҳон (сўнгги бет). 19.20 — «Ешлик» радиостанциясининг программаси. 20.25 — Татар куйлари. 21.00— Баҳор тароналари. 22.00 — **Қишлоқ меҳнаткашлари учун концерт.** 22.30 — Социалистик ҳамдўстлик мамлакатларида. 22.40 — **«Оқ йўл».** 23.15 — Дам олиш концерти.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000, ГСП, Тошкент, ЛЕНИН проспекти, 41 * ТЕЛЕФОНЛАР: Коммутатор — 330249 дан 330258 гача Эълонлар — 338142

Р. 03339. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64583. Г. — 98.